

67(54)

784

РАЬНО ТУРДИБОЕВА

# ЁШЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

РАЬНО ТУРДИБОЕВА

# ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



456547

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2014

УЎК: 37.018.1

КБК 67(5Ў)

Т 87

**Масъул муҳаррир:**  
юридик фанлар доктори, профессор **А.Х. Саидов**

**Тақризчилар:**  
юридик фанлар доктори **Х. Маматов**  
юридик фанлар номзоди **Ф. Хайитбоев**

**Турдибоева, Раъно**

Т 87 Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш / Р. Турдибоева; масъул муҳаррир: А.Х. Саидов; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 64 б.

ISBN 978-9943-01-969-0

Рисола илмий ходимлар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда ҳуқуқ соҳасига кизиқадиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ушбу кўлланмада ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда оиласининг ўрни, шунингдек, соҳанинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

УЎК: 37.018.1

КБК 67(5Ў)

ISBN 978-9943-01-969-0

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2014

© Р.Э.Турдибоева, 2014

## СЎЗБОШИ

Жамиятни модернизациялашда, аввало, умумий маданиятни юксалтиришга, инсонларнинг маънавий камолоти ва ҳуқукий билимларини тобора бойитиб боришга катта эътибор қаратилади. Фуқаролар юксак ҳуқукий билимга, ҳуқукий маданиятга эришмоғи, ҳуқуқка ҳурмат ва унга амал қилиш одат қоидасига айланиши лозим. Жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш миллый дастури» ҳуқукий маданиятнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш заруратини вужудга келтирди.

Рисола жамият ҳаётининг долзарб масалаларидан бири бўлмиш ҳуқукий маданият мавзуига бағишлиланган. Тадқиқотда ёшлар ҳуқукий маданиятининг бир қатор илмий ва амалий муаммоларини ёритишига ҳаракат қилинган. Мавзуни ёритишида муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги кодекс ва қонунлардан, ҳуқуқшунос олимларнинг сўнғиги йилларда чоп этган китоб ва маколаларидан, социал тадқиқот сўровномалари натижаларидан ҳамда шу мавзуга тегишли бошқа адабиётлардан фойдаланган.

Тўпламда ёшларнинг ҳуқукий маданияти муаммолари янги шароитдан келиб чиқсан ҳолда таҳлил этилган. Асар тарбиявий жараёнлар билан шуғулланувчи бошқарув тизимида, оиласда, жамоат ташкилотларида, ўкув юртларида қўлланиши мумкин. Рисоланинг назарий ва амалий аҳамияти ҳам шундадир.

Шунингдек, ёшлар ҳуқукий маданияти тушунчаси, унинг моҳияти ва ўзига хос томонлари ҳамда ёшларда ҳуқукий маданиятни шакллантиришда жамоатчиликнинг тутган ўрни кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, оила, ёшлар тарбияси ва маҳалла ҳакида мутафаккирларнинг қимматли фикрлари, ҳикматли сўзлари ва афоризмлари китобхонларга тақдим этилган.

*Профессор Акмал САИДОВ*

---

## КИРИШ

Жамиятни модернизациялаш ва янгилаш шароитида демократик тамойилларнинг қарор топиши фуқаролар онгида ва маданиятида туб ўзгаришларни талаб этади. Юксак ҳуқуқий маданият жамият тараққиётининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Дарҳакиқат, фуқаролик жамиятининг бирламчи ва асосий шартларидан бири, жамият аъзоларида зарур даражадаги ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдир. Жамият иктисадий, сиёсий ҳаётининг модернизация қилиниши ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун шартшароитларни яратиб бермоқда, инсонларнинг ҳак-ҳуқукларини кафолатламоқда. Президентимиз ҳуқуқий маданият мавзуига тўхталарап экан, «...ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равshan билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз ахолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозим»<sup>1</sup> дея таъкидланган.

Республика Президентининг 1997 йил 25 июнда «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонига кўра бу борада олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшлар ҳуқуқий маданиятини янада ошириш муаммалирининг долзарблиги қуйидаги жиҳатлари билан белгиланади:

---

<sup>1</sup> Кариюв И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: «Ўзбекистон» 1999, 31-бет.

*Биринчидан*, жамият ва давлат тараккиётининг бутунги ҳолати барча жамият аъзоларининг хуқуқий маданиятини ва хуқуқий саводхонлигини юксалтиришни талаб килмоқда.

Мамлакатимизда жамиятни модернизациялаш шароитида, фуқароларда юксак хуқуқий маданият, қонунга ҳурмат, итоаткорлик муҳим ўрин эгаллаши табиий.

Республикамиизда инсон хуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва хуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиккан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқлаган «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг қабул килиниши ҳам бу масаланинг қай даражада долзарб эканлигини кўрсатади. Унга кўра, бу борадаги вазифалар куйидагилардан иборат:

- хуқуқий тарбия ва хуқуқий таълим тизимини такомиллаштириш;
- барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга эришиш;
- аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш;
- фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий фаоллигини таъминлаш.

*Иккинчидан*, хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш бўйича ҳам миллий дастурда долзарб муаммолар, вазифалар кўрсатилган. Унда хуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва фалсафий, ижтимоий, юридик муаммоларини тадқиқ қилиш, янада юксалтириш илмий изланишларнинг устувор йўналиши, деб қаралмоғи лозим.

*Учинчидан*, айниқса, ёшларда хуқуқий маданиятни юксалтиришга катта эътибор қаратиш керак. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон – ёшлар мамлакатидир. Аҳолининг 60 фоиздан ортигини 30 ёшгача бўлган

ёшлар ташкил этади. Бу миқдор бошқа мамлакатларнинг кўрсаткичларидан икки ярим баробар кўпдир. Ўзбекистонликларнинг 40 фоизи эса 18 ёшгача бўлган ёшлардир.

*Тўртингидан*, хукуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш муҳим, чунки аҳолининг хукуқий маданияти холатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш жуда долзарб ҳисобланади. Бунинг учун аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёшлар ўртасида сўровлар ўтказиш, хукуқ ва конунга бўлган жамоатчиликнинг фикрини аниқлаш лозимdir. Бундай сўровларни ўтказиб, унинг натижалари билан омма мунтазам танишириб борлиса мақсадга мувофиқ бўлади.

*Бешинчидан*, ёшлар аҳолининг бошқа ижтимоий гурухлардан ўзига хос томонлари билан ажралиб турди. Улар келгусида тайёр кадрлар бўлиб, жамият бошқарувининг у ёки бу соҳасида хизмат қилишади. Уларнинг юксак даражадаги хукуқий маданияти, ташаббускорлиги жамият ривожига ўз таъсирини кўрсатмай колмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, келажак ёшларники, шундай экан инсон хукуклари ва мажбуриятларини ёш авлоднинг ўзи мукаммал ўзлаштиromoғи, сўнгра уни бошқаларнинг онгига сингдирмоғи, феълатори, фазилатлари билан ўrnak бўлмоғи керак. Камолотга етаётган ҳар бир йигит-қиз бой давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг ўтмишини чукур билмоғи, уларни ўзи учун ахлоқ ва интизом нормалари қилиб белғиламоғи зарур.

Хукуқий баркамолликнинг амалий манбаи, истиқлол туфайли қарор топган ўзбек давлатчилигининг асослари, мустақил республиканинг ўз Конституцияси, конунлари, меъёрий ҳужжатлари, Президент асалари, нутқ ва маърузалари, жамият тараққиётининг қоидалари, тамойил ва йўл-йўриклиари.

Биз ўрганишимиз керак бўлган умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларига оид халкаро ҳуқук принциплари ва нормалар мавжуд. Булар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидағи халкаро Пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид Хартиялари ва бошқалар. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий саводхонлик масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммо кўпгина олимлар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Бу борадаги илк тадқиқотлар ўтган асрнинг 60–70-йилларида пайдо бўла бошлаган.

Хозирги кунда давлат ва ҳуқуқ назариясида, мустакил илмий йўналиш сифатида ҳуқуқий маданият назарияси ни шакллантириш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу назарияни ривожлантиришда фундаментал умумназарий ишлар катта таъсир кўрсатмоқда, ҳуқуқий маданият муаммолари монография ва диссертацияларда ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий маданият мустакил предмет сифатида эмас, балки ҳуқуқий назария ва амалиётнинг бошқа муаммолари билан биргаликда ўрганилган.

Мамлакатимизда миллий мафкура, ҳуқуқий маданият, конунга итоаткорлик муаммолари ҳуқуқшунослар олдига долзарб вазифаларни кўйди. Бу муаммолар устида иш юритган олимларимизнинг ишлари диққатга сазоводир. Улардан Ш. Уразаев, У. Тожихонов, А. Сайдов, Э. Халилов, З. Исломов, Х. Одилқориев, Р. Маҳмудов, Ф. Раҳимовларнинг бу борада олиб борган ишларини эътироф этиш лозим. Бу муаллифлар ўз асарларида, ҳуқуқий маданиятни давлат ва ҳуқуқ назариясининг бир муаммоли бўлаги сифатида ифодалашди. Албатта, бу ерда таникли ҳуқуқшунос олимларимиздан У. Тожихо-

<sup>1</sup> Қаранг: Абзалов Э.М. Правовая культура и правонарушение молодежи. –Т.: МВД Р.Уз.,1997.

нов ва А. Сайдовларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Илгари ҳам ҳуқуқий маданият муаммолари билан шуғулланилиб, мақолалар, рисолалар чоп этиб келинار эди, холос. Аммо кейинчалик бу соҳага Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида мустакил фан сифатида қаралиб, дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилганлиги дикқатга сазовордир. Бу Ўзбекистонда юридик фаннинг ривожланаётганлигини кўрсатмоқда ҳамда ҳуқуқий маданият назарияси ўзига хос мустакил фан сифатида ўрганишни талаб этяпти.

Ҳуқуқий маданиятга доир адабиётларда икки ўзаро узвий, айни пайтда мустакил ҳодисага эътибор қаратилиди. Бу – жамият ва шахснинг ҳуқуқий маданиятидир. Бу тушунчалар ўз таркиби, тузилишига кўра бир хил эмас, улар турли вазифаларни бажариб, айни пайтда бир-бири билан ўзаро узвий боғлангандир.

Ҳуқуқшунос олим У. Тожихонов ҳуқуқий маданиятни субъектив жиҳатига кўра қуидагиларга ажратиб кўрсатади:

- жамиятнинг ҳуқуқий маданияти;
- ижтимоий гурухларнинг ҳуқуқий маданияти;
- юридик шахсларнинг ҳуқуқий маданияти;
- меҳнат жамоаларининг ҳуқуқий маданияти;
- мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти.

Шу билан бирга, муаллиф ҳуқуқий маданиятнинг функционал таркибига ҳам тўхталиб ўтади.

Ҳуқуқшунос олим Э.М. Абзалов эса ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни ва моҳиятини очиб берар экан, уни уч жиҳатга, яъни ҳуқуқни билиш, уни ҳурматлаш ҳамда ҳуқук нормаларига қатъий риоя этиш кабиларга ажратиб талқин қиласди. Ҳуқуқий маданият таркибини тушуниришга доир бир қатор назарий фикрлар келтириб ўтилди ва таққосланди, аммо бу нуқтаи назарлар ҳуқу-

қий маданиятнинг барча таркибий қисмларини қамраб олган, деб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларга ажратилиши, муаллифларнинг бу мавзуни қайси жиҳатдан ва қай даражада ўрганаётганлигига боғлиқдир. Биз ҳам ҳуқуқий маданиятнинг субъектив жиҳатига эътиборни қаратган ҳолда, ижтимоий гурӯхларнинг ҳуқуқий маданиятини ўрганишни ўз олдимизга максад қилиб қўйганмиз. Ижтимоий гурӯхлар ҳам ўзининг таркибий қисмларига эга.

Ёшларга мустакил ижтимоий-демографик гурӯх сифатида қараш ҳуқуқшунос Ш. Рустамовнинг номзодлик диссертациясида батафсил кўриб чиқилган. Айни пайтда ёшлар муайян хусусиятларга кўра бир-биридан фарқ қилиб, бир қанча гурӯхларга бўлинади: қишлоқ ёшлари, ўсмир ёшлар, ўкувчи ёшлар, талаба ёшлар, ишчи ёшлар ва бошқалар. Ҳозиргача ҳуқуқий маданият назариясида ечилмаган муаммолар каторида ўкувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини киритиш мумкин. Ўкувчи ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда оила ва жамоатчиликнинг ролини ошириб бориш лозим.

## ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос томонлари ни аниқлаш, жамиятдаги ижтимоий табакаларни алоҳида алоҳида ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси ҳуқуқий категория сифатида мураккаблиги билан ажралиб турди. Чунки ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига берилган ҳар қандай таъриф ҳам муайян тарихий жиҳатдан унинг мазмунини тўла-тўқис очиб бермайди. Бу тушунчага унинг ривожланиши шаклларига мослаб маҳсус таъриф бериш керак бўлади. Ёшларнинг ҳуқуқий

маданиятини тарихий тушуниш, тузилиши ва келиб чиқиши жиҳатидан предметнинг субъектив мазмунини тақоролайди. Ёшларнинг хуқуқий маданияти тушунчасига таъриф беришда, илмий тадқиқотлар олиб борган хуқуқшунослар турлича фикр-лар бериб ўтишган. Бу муаммони ҳал этишда хуқуқий маданият тушунчасини хуқуқ ва маданият билан ўзаро тадқиқ қилиш катта ўрин тутади, дейди Р. Маҳмудов ўзининг «Хуқуқ ва маданият» номли рисоласида.

Бинобарин, тадқиқотни маданиятнинг келиб чиқишига доир хилма-хил шарҳлар билан бошлишимиз лозим бўлади. Чунки маданиятга тааллукли бирор-бир саволга унинг асосий мезонларини билмасдан туриб жавоб бериш мумкин эмас. Маданият масалаларига турлича ёндашаётган ишлар рўйхати анча кенг бўлиб, у тезлик билан кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, бу категория тўғрисида аввалдан шаклланган тасаввурларга қарамасдан, ҳатто, маданиятшунослар тан олган таъриф мавжуд эмас.

«Маданият» атамаси мазмуни жиҳатидан хилма-хил бўлган тушунчаларни ифодалаш учун кўлланади. Масалан, инсон томонидан вужудга келтирилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуасининг гоявий ҳолати, ижодий фаолият, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва ҳоказолар ётади.

«Маданият» категорияси, хуқуқий маданият тушунчасини ўрганишда методологик аҳамиятга эга. Фалсафий адабиётларда «маданият» тушунчасига 500 дан ортиқ таъриф берилган бўлиб, бу кўрсаткич мунтазам ўсиб бормоқда. Аммо методологик нуқтаи назардан қаралганда, асосий масала берилган таърифларнинг сонида эмас, балки бу тушунчага турлича ёндашувдадир. Шу сабабли ҳам бу тушунча гуруҳларга ва синфларга бўлиб ўрганилади. Биз ҳам хуқуқий маданиятни ўрганишда «маданият» категориясига бўлган ёндашув-

лардан асосийларини кўриб чиқамиз. Энг кенг тарқалган ёндашув – инсониятнинг ривожланиш босқичида қўлга киритган моддий ва маънавий қадриятлар йигиндиси, деб карашдир. Чунки маданият ҳар доим ҳам ўзининг баҳоланиши, қадри билан ажралиб туради.

Яна бир ёндашув эса маданиятга ижодий фаолиятнинг синоними сифатида қаралишидир. Маданиятга бундай ёндашувни ҳукукий соҳада ишлатадиган бўлсак, бунда ҳукукий ижодкорлик фаолияти тушунилади. Юридик адабиётларда ҳукукий маданиятни аниқлашда ҳукукий саводхонлик, ҳукукни тушуниш ва бошқаларга таяниб иш олиб борган муаллифлар ҳам мавжуд.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлган яна бир ёндашув, маданият тушунчасини субъектнинг (инсоннинг, гурухнинг, жамиятнинг) маънавий ривожланиш даражаси билан боғлаб ўрганишдан иборат. Ҳукукий маданиятни ўрганишда, бу фикр ҳам ўзига хос аҳамият касб этади, чунки субъектнинг ҳукукий маданияти даражаси ҳукукий маданиятни таснифлашда асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласди. Юкоридаги тушунчани юриспруденцияда тахлил этишда, қўллашда турли ёндашувлардан аралаш фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин. Шунинг учун маданият ва ҳукукнинг ўзаро алоқадорлигини аниқ бир маданиятга берилган таъриф билан эмас, «маданият» тушунчаси доирасида аниқлаб, муайян таърифини ишлаб чиқишга ҳаракат қиласмиз.

Маданият мавзуини қадрият сифатида тушуниш, унга аксиологик нуқтаи назардан ёндашишга ундейди (Аксиология – юононча «аксиа» арзиш, қадрият, қадриятлар ҳақидаги таълимот). Унга мувофиқ, инсон фаолияти «маданиятли» ёки «маданиятсиз» сифатида баҳоланади. Маданиятга бундай ёндашув, ёшлар ҳукукий маданият муаммоларни ҳал этишда ҳам қўл келади.

Бугунги кундаги маданиятшунослярнинг ютуқларидан бири, «маданият» тушунчасини «фаолият» тушун-

часи билан уйғунлаштириш воситасида, унинг умумий ижтимоий-фалсафий ақидасини ишлаб чиқиш бўлди.

Шу билан бирга, маданиятнинг ижтимоий қиймати шундаки, «...у инсоннинг дунёга фаолиятсиз томошабин ёки тайёрга айёр сифатида эмас, балки тарихнинг фаол жонзоти сифатида яшаш тарзига мувофиқлигини ифодалайди...»

Маданият таърифини «инсон фаолиятининг ўзига хос воситаси» деб қараш, маданиятга инсоний фаолиятнинг барча маҳсулини қўшади. Агар биз мезон сифатида ўёки бу ҳодисани маданиятнинг кўриниши ҳолида олсак, бу билан ушбу ҳодиса инсон фаолияти вазифасини адо этганлигини тан олган бўламиз. Шу сабабли ёшлар ҳуқукий маданиятини очиб беришда маданиятга юкорида келтириб ўтилган хуросалар асосида ёндашмогимиз лозим.

Моҳиятан ҳуқуқ ва маданият ўзаро боғлиқ категориядир. Маданият шахснинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи восита ҳамда жамиятнинг ижтимоий ривожланиш даражасининг ўлчови сифатида майдонга чиқади. Якингача маданият назаријасининг тўлиқлигича тадқиқ этилмаганлиги боис, жамиятда ҳуқукий маданият тушунчасини аниқлашда асосан қўйидаги унсурлар ажратиб кўрсатиларди: шахснинг ўз ҳуқуқларини билиши, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва нимага йўналтирилганлигини аниқлаши, уларга нисбатан ҳурматни шакллантириши, қонунийлик ва адолатни хис қилиши. Ушбу унсурлар шахснинг ҳуқукий маданиятини субъектив руҳий мезон сифатида тўғри тавсифлайди. Аммо ижтимоий маданият масалаларининг фалсафий, ҳуқукий тадқиқ этилишининг ривожланиши муносабати билан шахснинг ҳуқукий маданиятини кенгрок доирада кўриш, унинг амалий томонларини алоҳида таъкидлаш, шахснинг ҳуқукий маданиятида кўпроқ унсурларни кўрсатиш имконини берди.

Ёшларнинг хукукий маданиятига унинг таркибий унсурлари асосида таъриф берадиган бўлсак, қуидагича таърифлаш мумкин бўлади: ёшлар хукукий маданияти – ёшларнинг хукукий билимлари, хукукий саводхонлик даражаси, уларнинг қонунларга бўлган ҳурмати, хукукий меъёrlарни ижро этиш, ҳаётга татбик эта олиш дараҷаси, хукуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиш, қонунларга итоаткорлик, фаоллик ва ташаббускорлик даражасидир. Ёшларнинг юксак хукукий маданияти жамия-тимиз тараққиётини таъминлайди. Дарҳақиқат, «Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилганидек, юксак хукукий маданият – демократик жамият пойdevори ҳамда хукукий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фукароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жиславига қўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда бетартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Конунни ҳурмат килиш хукукий жамиятнинг асосий таалобларидан бири хисобланади.

Хукуқ ва мажбуриятлар ёшлар учун жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига кириш воситаларидир. Ёшларнинг хукукий маданияти тўгрисида гап боргандা, биринчидан, унинг ўз хукук, эркинлик ва мажбуриятларини билиши, тўғри англаши, баҳолаши, иккинчидан эса улардан амалий фаолиятида фойдаланиши ҳакида сўз юритиш жоиздир.

Ёшларнинг хукукий маданияти асоси ва ўзига хос томонлари қуидаги кўринишларда ўз аксини топади:

*Биринчидан*, ёшларнинг хукукий саводхонлиги, яъни хукукий билимларни ўзлаштириб олиш, юридик маълумотларга эга бўлишдир. У Тожихонов таъкидлаганидек, юридик саводхонлик хукукий билимлар алифбосини, энг оддий нормаларни билишни, хукукий кўрсатмаларнинг мураккаб баёнларида адашмасликни, барча зарур хо-

латларда мутахассисга ёрдам сўраб мурожаат килиш эҳтиёжини ўзида шакллантиришни тақозо этади. Чунки бу саводхонлик унинг ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хатти-ҳаракатини белгилаб олишида ҳукуқий талабларга мувофик келадиган андозага суюнишига имкон беради.

Конунийликни, ҳукуқнинг умумий қоидаларини ва норматив актларнинг моҳиятини билмасдан туриб, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг функциялари, тизими ҳақида тушунчага эга бўлмаса, ҳукуқий нормаларни ҳаётда қўллаш бўйича амалий маълумотлар олмаган бўлса, у ҳолда ёшларнинг ҳукуқий маданияти ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, агар инсон ўзининг ҳукуқ ва эркинликларини билмаса, қандай килиб қонунлардан фойдаланади? Уларни ҳаётга қандай фаол татбиқ эта олади? Ҳукуқий саводхонлик – муайян ҳукуқий нормалар, ҳукуқ тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлишгина эмас, балки турли хил ҳукуқий кўринишлар, давлат ва жамият ҳаётининг ҳукуқий асосларининг ривожланиши тўғрисида хабардорлик ҳам демакдир.

Демократиянинг замонавий ривожланиш босқичида ёшларнинг шахсан ўзига керакли бўлган ҳукуқий билимларга эга бўлиши етарли эмас. Умуман, ҳукуқий тизимнинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат эканлигини тушуниб этишлари муҳимдир.

Ҳукукий саводхонлик, ҳукукий билимларга эга бўлиш ҳукукий маданиятнинг базасини ташкил этади ва жамиятда инсонларнинг хулқ-авторига таъсир кўрсатади. Ҳукукий саводхонлик, амал қилиб турилган қонунларни ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш ва бошқа фаолиятлар ёрдамида шаклланади. Ҳукукий саводхонлик, фақат ҳукукни билишгина эмас, балки тўғри тушуниш ҳамдир, конун воситасида хизмат қиласидан сиёсий, иқтисодий, маданий вазифаларни тушунишdir.

Бугунги кунда айрим ёшларимизнинг қонунларни ўзлаштириб олиш даражаси анча паст. О. Бальзакнинг «Фожиамиз шундаки, ҳеч нарсани қонунларни билганичалик ёмон билмаймиз» – деган фикрлари бизнинг баъзи ёшларимизга ҳам тааллуқли. Ваҳоланки, худди мана шу даврда ҳукуқий саводхонлик учун барча шартшароитлар яратилган. 2011 йил «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ёшлар орасида «Ўзбекистон ўқувчи ёшларининг ҳукуқий саводхонлиги» мавзуида ўтказилган социологик сўровнома натижаларига кўра унда жами 668 респондент иштирок этган, жумладан, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари 542 нафарни, олий ўқув юрти талабалари эса 126 нафарни ташкил этган. Сўровнома натижалари таҳлил қилинганда ёшларнинг ҳукуқий саводхонлик даражаси ўртача экани аникланган. Ҳукуқий саводхонликни белгиловчи мезонлардан бири, Асосий Қонун бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш даражасидир.

Бундан шундай холосага келиш мумкинки, ёшлар ҳукуқий билимларни эгаллашга ва ҳукуқий саводхонлигини оширишга интилишмоқда. Бунинг учун «Ҳукукшунослик», «Давлат ва ҳукуқ асослари», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» каби фанларни ўқитишда ўқув жараёнининг услугбий, техник ва ахборот таъминотини кучайтириш, уларни ўқитиш сифатини ошириш даркор.

*Иккинчидан*, ёшларда қонунларга бўлган чуқур ҳурматни шакллантириш. Қонунга ҳурмат билан ёндашиш – ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳукуқий маданиятнинг олий даражада намоён бўлишидир.

Инсонда бошқа ижтимоий руҳий ҳис-туйғулар қатори фикр ва ҳиссиётлар ҳам мавжуд. Ҳукуқий туйгулар йигиндиси ёшларни фаол ҳукуқий фаолиятга, қонунга итоаткорликка ёки қонун талабларига мажбуран амал қилишга олиб келади. Мазкур ҳукуқий туйғуларга эга

бўлган талаба ёшлар ўзларининг ва бошқаларнинг хуқуклари бузилган тақдирда, уларни ҳимоя килишда фаол қатнашадилар.

Шунингдек, ёшларда хуқукий жавобгарлик ва интизом туйғуси юқори даражада шаклланган бўлиши зарур. Ҳар бир содир қилинган ножӯя иш учун жавоб бериш кераклигини англамоқ даркор. Жавобгарлик туйғуси борган сари мустаҳкамланиб, энг фойдали ва зарурий одатга айланмоғи лозим. Айниқса, инсоннинг оила олдидағи ижтимоий-хуқукий жавобгарлиги ва бурч туйғуси бебаҳодир. Хуқукий маданият ахлоқий ва маънавий меъёрларга таянар экан, ёшлиқ давридаёқ оиласда хуқуқка бўлган ҳурмат туйғусини шакллантириш лозим. Бу ёшлар учун ҳам тушунарли, ҳам зарурий талаб сифатида қабул қилинади.

Хуқуқка бўлган ҳурматни шакллантиришда юридик нормалар катта аҳамиятга эга. Президентимизнинг куйидаги фикрлари эътиборга молик: «Хуқукий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳужжатларга нисбатан чукур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зоро, хуқукий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади».

Ҳар бир қонун чукур ўрганилиб сўнгра қабул қилинса, бундай қонуннинг умри узок бўлади, жамиятга холис хизмат қиласи ва қонунга бўлған ҳурмат ошади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қабул қилинган «Жамиятда хуқукий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да «Мамлакатимизда қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуклари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчилиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий ама-

лиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар конуности хужжатларини қонунга қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин» деб алоҳида таъкидланган.

Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш борасида янги қадрият ва йўл-йўрикларни шакллантириш ҳамда унга риоя этишга қаратилган маданиятни ташкил этиш муҳимдир. Қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳам фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ёшларда қонунга хурмат туйғусини шакллантиришдан иборатdir.

Учинчидан, қонунга итоаткорлик масаласи. Қонунга итоаткорлик – ҳуқуқий маданият ривожланиши жараёнida шаклланиб турадиган ҳодисадир. Ваҳоланки, қонунга итоаткорлик масаласи жамиятда катта эътибор талаб этадиган жараёндир. Ушбу тушунча ҳозирга қадар етарлича тадқик этилмаган, лекин бу масалада бугунги кунда ҳуқуқшунослик соҳасида изланишлар олиб борилмоқда.

Қонунга итоаткорликнинг ҳуқук доирасида, ҳуқуқий коидаларни жорий этишда намоён бўлишини ҳуқуқий адабиётлардагина учратганмиз. Қонунга итоаткорлик – қонунларни билиб, ўрганибгина қолмай, балки уларга тўла риоя қилиш демакдир. Қонунга хилоф хулк-автор ва фаолият ҳуқуқий маданият жумласига кирмайди.

Ёшларнинг қонунга итоаткорлиги жамият манфаатларини чуқур тушуниб етиб, давлат олдидаги жавобгарлик туйғуларини англашларида намоён бўлади. 2009 йил май ойида Тошкент вилояти ўрта маҳсус, касбхунар таълими ўқувчи ёшлари орасида социал тадқиқот ўтказилди. Уларга «Нима учун инсонлар қонунларга итоат қилишади?» деб мурожаат қилинганда, сўровномада

иштирок этган 419-нафар респондентнинг 158 таси (37,7 фоиз ) конунни бузиш мумкин эмас, деб жавоб берган, 27,2 фоизи жазоланишдан қўрқанлари учун, 25 фоизи агарда ҳамма қонунни бузса, жамият ҳавф остида колади, деган фикрда, 7 фоизи жамият ёки одамлар уни муҳокама қилишларидан қўрқиб итоат этаман, – деб жавоб беришган. Бундан кўриниб турибдики ёшларимизнинг аксарияти қонунларни хурмат қилиш лозим, уни бузиш мумкин эмас деб ҳисоблади. Шунингдек, жазоланишдан қўрқиб қонунга итоат этаман, деб жавоб беришлари шуни англатадики, ёшларимиз қонунларнинг мажбурлов кучига эга эканлиги ва уни бузганлик учун жазо муқаррарлигини англаб етишган.

Аслида қонунга кўр-кўrona итоат этиш эмас, балки унинг моҳиятини, талаб ва тартибларини онгли равишда бажариш лозим. Ёшларда кўп ҳолларда шу нарса кузатиладики, улар қонунларнинг моҳиятини тушуниб риоя қилмайдилар, балки қонун олдидаги жавобгарликдан қўrқиб унга риоя этадилар. Ҳуқуқ жамиятимиз фаровонлигини таъминловчи, ҳалқ иродасини ифода этувчи куч эканини англаб етмайдилар. Ёшлар жазоланишдан қўrқиб эмас, балки ихтиёрий равишда қонун нормаларига амал қилишлари зарур. Токи бу уларнинг ички эътиқодларига айлансин. Шунингдек, айрим тадқиқотчилар ўз ишларида ҳуқуқий эътиқод категориясига алоҳида тўхталиб, унинг ижтимоий-ҳуқуқий воқелик сифатида маҳсус тадқиқ этилиши лозимлигини таъкидлашган.

Қонунларга итоат қилмаслик, уларни турли йўллар билан айланиб ўтишга уриниш давлатни обрўсизлантиради, тараққиётга тўсқинлик қилади. Ёшларда қонунларга итоаткорликни шакллантириш учун уларда, аввало, ишонч ҳиссини қарор топтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик

шартлари ва таракқиёт кафолатлари» номли асарида «Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгидা, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмida, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлик, деган мутлақо ахлоққа зид нұқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мүмкін. Қингир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва хукукий назоратнинг эътиборидан четда қолса одамларнинг, айниқса, ҳаётга эндиғина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?», деб таъкидлайди.

Конун хужжатларининг қўлланиш амалиёти шуни кўрсатадики, қўпгина хукукбузарликлар фуқароларнинг билим ва маданият даражасининг пастлиги оқибатидир. Бу борада «Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг хукукий саводхонлигини ошириш бўйича алоҳида тўхтаб ўтилган.

Конунларга итоатсизлик, қонунбузарлик, хукукбузарлик учун жазо муқаррарлигини, қонун олдида ҳамма тенглигини ҳар бир ёш чуқур анграб етмоги керак. Президентимиз таъкидлаганидек: «Хукукий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг конун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципини таъминлашдир». Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциямизда ҳам қонун устуворлиги ҳакида алоҳида боб ажратилган бўлиб, у бир неча моддаларни ўз ичига олади.

Қайси мамлакатда қонунлар бажарилмас экан, юкори натижаларга эришиб бўлмаслиги ҳукукий таълим орқали ҳар бир ёшнинг онгига сингдирилиши зарур. Қонунларга эътиборсиз қараш, уларни четлаб ўтиш факат сиёсий

ислоҳотларни амалга ошириш учунгина тўсқинлик килмай, у иқтисодий юксалишга ҳам жиддий ғов бўлиши, пировард натижада турмушнинг барча соҳаларига салбий таъсир қилиши ёшларга тушунтирилиши лозим.

Конунларни бузиш холларига йўл қўймаслик, мажбурий шарт экани қонун бузилишлари жазосиз қолмаслигига ёшларни ишонтира билиш керак. Чунки ҳар қандай қонун бузилиши, айникса, уни раҳбарлар бузса, ҳалққа жабр-зулм етказади. Бу ўринда Амир Темурнинг қуидаги сўзларини эслаш жоиздир: «Ҳокимлар ва раиятдан қайси бирининг ҳалққа жабр-зулм етказишини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим. Уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим».

*Тўртингчидан*, ёшлар ўзлари олган ҳуқукий билимларни ҳаётга татбиқ эта олишлари шарт.

Ёшларнинг ҳуқукий маданияти ҳуқуқка доир билимларни шунчаки ўрганиб олиш эмас, балки улардан ҳуқуқни ва қонунийликни мустаҳкамлашга онгли суратда йўналтирилган кундалик фаолиятда фойдалана билиш ҳамdir.

*Бешинчидан*, ёшларда юксак даражадаги ҳуқукий фаоллик масаласи. Бу эса ёшларнинг ташаббускорлиги ва ижодий фаолиятида ўз аксини топади. Ёшлар тарбиясида асосий эътиборни улар олаётган билимларнинг ҳаётда қандай қўлланаётганлигига қаратиш керак. Ёшларнинг ҳуқукий онги ҳаётда фаол вазифаларни бажаришга қодир бўлсагина уларни ҳуқукий маданиятга эга деб айтиш мумкин. Шахснинг ҳуқукий онги шаклланган бўлса, ижтимоий фаолиятидан ажралмайди. Шунинг учун, ёшларнинг ҳаётда фаол иштироки уларнинг ҳуқукий онги ошиши самарасидир.

Ёшларнинг ижтимоий-ҳуқукий фаолликларини оширишнинг муҳим омилларидан бири, уларнинг республи-

ка, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, ташкилот, олий ўкув муассасалари миқёсида давлат ва жамоат бошқаруви ишларида фаол қатнашишлари ҳисобланади. Шу билан бир каторда ижтимоий фаолликнинг ижтимоий фаолият билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўрганишда уларнинг ижтимоий фаолиятларини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида «...фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар» деб кўрсатиб қўйилган. Ҳозирги кунда шахснинг ижтимоий фаоллигига катта эътибор берилмоқда. Умуман ижтимоий фаоллик – ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, маданий-мағкуравий соҳадаги фаоллигининг йиғиндисидир. Шунингдек, фаоллик ва ташаббускорлик тушунчалари ҳам бир-бири билан узвий bogлиq. Чунки ташаббускорлик унинг асосини ташкил этувчи фаолликсиз юзага келмайди.

Аксарият илмий адабиётларда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ҳуқуқий маданиятнинг муҳим унсурни сифатида талқин этилган. Ҳуқуқий фаолликни ҳуқуқий маданиятнинг унсурлари қаторига киритишда илмий адабиётларда турлича фикрлар берилган. Аммо ҳуқуқий маданият муаммоси билан шуғулланган кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий фаолликка алоҳида ўрин беришган. Ҳатто, айрим муаллифлар ижтимоий фаолликка ҳуқуқий маданиятнинг асосий элементи сифатида қарашган. Шу сабабли ёшларнинг фаоллиги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳал этувчи роль ўйнайди. Ҳуқуқшунос олим А. Никитин ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф берар экан, ҳуқуқий маданият нима экани, у қандай бўлимлардан ташкил топганлигини билиш учун уни бино шаклида тасаввур этишни таклиф этади ва бу бинони уч қаватдан иборат, деб кўрсатади. Бинонинг би-

ринчи қаватига ҳуқуқий билимлар ва улардан фойдалана олишни жойлаштиради. Иккинчи қаватига ҳуқуққа бўлган муносабатни ва ниҳоят, учинчи қаватга ҳуқуқий мазмунга эга бўлган вазиятларда шахснинг фаолияти ва хулқ-авторини киритади. Ҳар қандай бино сингари, бу ўйнинг ҳам пойдевори мавжуд бўлиб, уни ахлоқий ва мафкуравий, сиёсий қарашлар, эътиқодлар ташкил этади.

Ҳақиқатан ҳам, бу бино қаватлари бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, унинг бирор қаватини олиш бутун бир бинонинг бузилишига олиб келади. Мана шу боғлиқлик бўлмас экан, шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гапириш мумкин эмас. Олимнинг бу фикрларини тўлдирган ҳолда «ҳуқуқий маданиятга» тўртинчи қаватни жойлаштириш лозим. Чунки ёшлар жамият ва давлат ижтимоий ҳаётида етакчи роль ўйнайдиган қатламни ташкил этади, улар бўлғуси мутахассислар, жамият ва давлат бошқарувини қўлга оладиган авлоддир. Келажакда уларнинг ҳуқуқий-сиёсий соҳадаги фаоллиги ва ташаббускорлиги жамият ва давлат тараққиётини белгилаб беради.

Ўқув муассасаларида таълим-тарбиянинг асосий мақсади, ёшларда ҳуқукнинг ҳар бир соҳасида уларнинг фаоллигини ошириш бўлмоғи лозим. Энғ асосийси, ёшларнинг ўз ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришдан бевосита ўзлари манфаатдор эканликларини англатиш, ҳуқуқий фаол бўлишларига эришмоқ даркор.

## ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ёшларни жамиятнинг алоҳида ижтимоий гурухига ажратиш уларга хос бўлган ёш ва психологик хусусиятлари билан эмас, балки ёшлар бажарадиган ўзиға хос ижтимоий ўрни билан амалга оширилади. Бу ўрин аввалги аждодлар тажрибаси, қадриятлари, маданиятини ўзлаштириб олиш ва уларни янги жиҳатлар ҳамда хусусиятлар билан бойитишдан иборатdir.

Ҳуқуқий маданият ўзбек халқининг турмуш тарзида, маданиятида, миллӣ дунёкараши ва мафкурасида муҳим ўрин тутади. Ўкувчи ёшларда ҳуқуқий маданиятни тӯла қарор топтиришда миллӣ, маънавий, диний-ахлоқий, ҳуқуқий ва тарихий меросимизга, мафкурамиз гояларига таянмоқ керак.

Ўзбек миллӣ мафкурасининг таркибий қисми қўйидагилардан иборат: биринчидан, мустақиллик хис-туйғуси ва истиқлолни тӯла идрок этиш; иккинчидан – ўзбекчилик тушунчаси; учинчидан, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлиги ташкил этади. Унинг негизини эса, миллӣ гуур, миллӣ-маданий мерос ташкил этади.

Миллӣ мафкура дунёкарашни шакллантириш ва тарбиялаш омилидир. У хилма-хил ва баъзи тарқоқ қарашларни умумий мақсад йўлида яқинлаштиради ва бирлаштиради. Чунки бу мафкура ёшларнинг онги, тафаккури, эътиқоди, дунёкараши ва билим даражаси турлича эканлигини эътиборга олади.

Ўкувчи ёшларни тарбиялашда ўзбек халқи қадриятларига, анъаналарига, буюк мутафаккирларимизнинг фалсафий, маънавий-маърифий қарашларига асосланиш керак. Буюк аждодларимиз Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур, Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Ал Бухорий, Ат-Термизий, Маргиноний ва бошқа алломалар

асарларида олға сурىлган ҳалоллик, поклик, миллатни севиш, Ватан билан ғурурланиш, меҳнатсеварлик каби ғояларни ёшлар онгига сингдириш лозим.

Ёшларнинг ҳуқукий принципларини, давлат органлари ни, ҳукукни ташкил этиш тартибини ва унинг фаолиятини билиши ҳуқукий маданиятни шакллантиришнинг зарур шартидир.

«Жамиятда ҳуқукий маданият юксалтириш миллий дастури»да жамиятнинг турли ижтимоий гурухларини чукур ўрганган ва эътиборга олган ҳолда илмий изла-нишлар олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилган ва уни рағбатлантириш назарда тутилган.

Ёшларда ҳуқукий маданият шаклланишининг хусусиятларидан асосийлари *объективлик ва субъективлик*-дир. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқукий маданиятнинг шаклланиши, бир томондан ёшларнинг ҳоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй берса, иккинчи томондан, у ҳар бир ёшнинг хатти-ҳаракатлари, ҳамда фаолият на-тижасига боғлиқ бўлади.

Ёшларда ҳуқукий маданиятнинг шаклланишидаги объективликнинг моҳияти уларнинг ҳуқукий муносабатларда иштирок этиши билан белгиланади. Ўкувчи ёшларнинг ҳуқукий муносабатларда қандай иштирок этиши ёки уларга қандай муносабат билдиришидан қатъи назар, бу жараён объектив ҳодиса сифатида рўй беради. Ёшларда ҳуқукий маданият шаклланишини тўхтатиб қўйиш мумкин эмаслигининг ўзи, унинг объектив хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳуқукий маданиятнинг шаклланиши объектив жараён бўлиши билан бирга, у субъектив фаолиятнинг ҳам на-тижаси ҳисобланади. Ҳар бир ўкувчи жамиятнинг, ҳуқукий муносабатларнинг ўзига хос субъекти сифатида ҳуқукий воқеа-ҳодисаларга маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, билим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойда-

ланиш, 18 ёшга тўлгандан сўнг сайловларда овоз бериш, у ёки бу ҳуқукий муносабатларда субъект сифатида иштирок этиш ёшларниң ҳуқукий маданиятининг шаклланишидаги субъективликни ифода этади.

Ёшларда ҳуқукий маданиятнинг шаклланишида ўзига хос хусусиятлардан яна бири *аста-секинлик* хусусиятидир. Уларда ҳуқукий маданиятнинг шаклланиши бир лаҳзада ёки жуда кисқа давр ичидан рўй бермайди. Ёшлар улғайиб борган сари ҳуқукий воқеа-ходисаларнинг моҳиятини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва оқибатларини аста-секинлик билан англашиб боради.

Ҳуқукий воқеа-ходисалар жамият тараққиётининг алоҳида бир босқичига хос бўлган хусусият эмас. Жамият ривожланар экан, қабул қилинган қонунлар, фармонлар ўз кучини йўқотиб, янгилари ишлаб чиқилиши мумкин. Бу узлуксиз жараён ёшлар онгига аста-секинлик билан таъсири эта боради. Аста-секинлик хусусияти ёшларниң ўкувчилик давридагина эмас, балки узоқ йиллар давомида ўсиб, ривожланиб боришини ифода этади. Давлат ва жамиятдаги ривожланиш бир ерда тўхтаб қолмаганлиги сингари, ёшларниң ҳуқукий маданияти ҳам бир хил даражада қотиб қолмайди, балки янги ҳуқукий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб боради.

Кейингиси – ёшларда ҳуқукий маданиятнинг шаклланишида *алоҳидалик* хусусиятидир. Ёшларда ҳуқукий маданиятга хос бўлган белгилар бир вақтда шаклланмайди. Шунга кўра бир ерда яшаётган ёки бир жойда таълим олаётган икки ўқувчининг ҳуқукий маданият даражаси икки хил бўлади. Ҳуқукий маданиятнинг белгилари барча ёшларда оз ёки кўп, у ёки бу даражада шаклланиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат умумийлик хусусиятидир. Ёшлар жамиятнинг бир аъзоси сифатида алоҳида-алоҳида кўринишда намоён бўлмаслигининг ўзи ҳам ёшлар ҳуқукий маданиятининг шаклланишидаги умумийлик хусусиятининг моҳиятини акс эттиради.

Бундан ташқари, ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий гурӯхлар фаолиятида намоён бўлиши ҳам ҳуқуқий маданият шаклланишига хос бўлган умумийликни ифода этади. Масалан, ишчилар, зиёлилар, талаба ёшлар, ўкувчилар, вояга етмаганлар ва бошқа гурӯхларнинг ҳар бирида ҳуқуқий маданият даражасида бирмунча яқинлик бўладики, бу ҳол ҳуқуқий маданият шаклланишига хос бўлган умумийликни ифода этади. Чунки умумийлик алоҳида бир ўкувчи томонидан эмас, балки барча ўкувчи ёшлар фаолияти орқали намоён бўлади. Бунга сабаб, барча ўкувчи ёшларнинг ҳуқуқий онглилик даражаси деярли ўзаро яқин бўлади.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг мезонларидан бири саводхонлик бўлиб, уни амалий фаолиятдаги натижаларига қараб белгилаш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти мезонлари қўйидаги уч тоифани ташкил этади:

- ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражасига эришган ёшлар;
- ҳуқуқий маданияти ўртacha даражада бўлган ёшлар;
- ҳуқуқий маданияти паст даражада бўлган ёшлар.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий муносабатлардаги фаол иштироки, ҳуқуқий саводхонлиги, қонунга итоаткорлиги ва ҳурмати билан ўлчанади. Ҳуқуқий маданияти юқори бўлган ёшлар қонунни ҳурмат қиласди, ўзини қонун ҳимоя қилишини билади, инсонга олий қадрият сифатида карайди, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётида фаол иштирок этади, ҳуқуқий эътиқодга эга бўлади. Бундай ёшлар бошқаларга ўрнак бўлиши билан бирга, кўпчиликнинг ишончи ва ҳурматига ҳам сазовор бўлади.

Ҳуқуқий маданияти ўртacha даражада бўлган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ўртacha бўлади. Ўзи эгаллаган ҳуқуқий билимларни ҳаётга татбиқ этишда эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда амалга оширади. Ҳуқуқий

маданияти паст даражада бўлган ёшларда бошқаларга нисбатан намуна бўладиган сифатлар кам бўлади, ўзгалар билан қизиқмайдилар, қонунбузарларга нисбатан бефарқ бўладилар. Бундай ёшларда хуқукий маданиятсизлик устунлик қиласди. Қонунларни менсимаслик сингари хислатлар маданиятсизликнинг амалдаги кўриниши хисобланади. Бундай ёшларнинг хуқукий саводхонлик даражаси паст бўлиб, қонунларга итоатсизлиги билан ажралиб туради. Хуқукий саводхонликни оширишни қўйидагича изоҳлаш мумкин;

*Биринчидан*, ёшлар таълимнинг турли соҳаларида иштирок этишлари билан ўзларининг билим даражаларини ошириб боришади. Улар турли фан соҳаларидаги билимлар билан бирга хуқукий билимлар берадиган фанлардан ҳам хабардор бўлиб борадилар.

Ўқув муассасаларида берилаётган билимлар мамлакатимиз ёшларининг хуқукий маданиятининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хуқукий билимларни ўрганувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб боргани сари, мамлакатимизда аҳолининг хуқукий маданияти даражаси ҳам шунчалик юкори бўлиб боряпти.

*Иккинчидан*, хуқукий саводхонлик ёшлар жамиятнинг хуқукий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиши билан белгиланади. Ҳар бир ўқувчи хуқукий муносабатларда, хуқукий мавзуларда бўладиган сухбатларда, йигилишларда, ташкил этилган тадбирларда ўз фикрмuloҳазаларини билдиради. Бундай мулокот ва муносабатлар шахс онгига таъсир этиб, хуқукий маданиятнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

*Учинчидан*, ёшларга хуқукий таълим беришда уларнинг бўлғуси мутахассислигини эътиборга олиш зарур. Уларга умумий хуқукий билимларни бериш билан бирга, имконият даражасида ўз мутахассислигига тааллуқли бўлган хуқукий билимларни бериш керак. Масалан,

молия коллежи ёки институти бўладиган бўлса, кўпроқ молия хукуки, хўжалик хукуки каби соҳалар бўйича чукуррок билим олишларига эътибор бериш лозимдир.

*Тўртингчидан*, жамиятнинг турли ижтимоий гурухларига мансуб бўлган ёшларни ҳам алоҳида гурухларга бўлиб ўрганиш лозим. Уларнинг ёш хусусиятларига, фолият турларига эътибор бериш мақсадга мувофик. Масалан, мактаб ёшидаги ўқувчилар вояга етмаган ёшларни ташкил этса, касб-хунар таълими ўқувчи ёшларининг аксариятини 15–18 ёшдаги ўқувчилар ташкил этишади. Яъни, бир қисми вояга етмаган ёшлар, бир қисми 18 ёшга тўлган ёшлардан иборат. Шу сабабли хукукий таълимтарбия бериш усусларини танлашда уларнинг ёш психологиясига ҳам эътибор қаратиш керак.

*Бешинчидан*, ёшларимизнинг аксарияти ўз уйларига якин бўлган таълим муассасаларида ўкишади, бир қисми эса бошқа вилоят ва туманлардан келишган. Бу тоифа ўқувчилар мустакил яшаб, билим оладилар, ота-оналаридан, оиласаридан узокда бўладилар. Ўқувчиларнинг яшаш шароити, тураржойларнинг аҳволи, у ердаги хукукий тарбия соҳасидаги ишларнинг қай даражада эканлигини ўқув муассасалари ходимларининг ва мураббийларнинг педагогик вазифаларини мунтазам назорат килиш зарур.

*Олтинчидан*, Оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлар ишининг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг хукукий маданияти ва онгининг шаклланишида мухим ўрин тутади. Босма нашрлар орқали берилаётган хукукий маълумотлар, ахборотлар, илмий-назарий билимлар ўқувчи ёшларнинг онги ва маданиятининг ошишига катта таъсир кўрсатади.

Юкоридаги фикрлардан қўйидаги хulosаларни чиқариш мумкин. Ёшларда хукукий маданиятни шакллантиришда ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар – объективлик ва субъективлик, аста-секинлик, алоҳидалик

ҳамда умумийлик хусусиятларидир. Булар – ўқувчи ёшлар таълим жараёнининг субъекти эканлиги; улар жамиятнинг ҳукукий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиши; аниқ бир соҳанинг бўлғуси кичик мутахассиси бўлиши; уларнинг ўзига хос ёш психологияси; ўқувчиларнинг бир қисми ўз уйларидан узокда яшашлари кабилардир. Ушбу ўзига хос хусусиятлар ҳамда шартшароитларни ҳукукий тарбия беришда, албатта, ҳисобга олиш зарур.

## **ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ**

Оила ва жамиятнинг алоқадорлиги, уларнинг таракқиёти бир-бирини тақозо этадиган омиллар эканлиги билан хусусиятланади. Оила умумий, маҳсус ва ижтимоий конунларга мувофиқ ривожланади, у жамиятнинг барча қарама-қаршиликларини ўзида акс эттирувчи, табиий ички тараққиёт манбаларига эга бўлган нисбатан мустакил ижтимоий институтдир. Оиласага ҳар бир даврда, ҳар бир жамиятда ва ҳар бир давлатда катта эътибор бераби келинган. Оила институти бутун дунёда катта эътибор талаб этадиган қадрият бўлганлиги боис, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15 май «Ҳалқаро оила куни» деб эълон қилиниб, кенг нишонлаб келиняпти.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида оиласага ижтимоий обьект сифатида каралган. Жамиятда ва оиласада юз берадиган ўзгаришлар ўзаро бир-бирига боғлик. Бугунги кунда сиёсий, иктисадий, ҳукукий, маънавий билимларга эга бўлган, ижобий ҳислатларни ўзида мужассам қилган оила давлатимизнинг асоси ҳисобланади. Шу сабабли, оила фақат ахоли сонини тўлдириш вазифасини

бажарибгина қолмай, ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ва хислатларни эгаллашини тақозо этувчи, ижтимоий маданиятни шакллантирувчи муҳит ҳисобланади.

Республикамизда 1998 йил – «Оила йили» деб эълон килиниши, барча давлат ва нодавлат ташкилотларни оиласардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишга жалб этди. 1998 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Оила» Республика илмий-амалий Маркази ташкил этилди. Марказ олдига оиласарни янада мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг хукуқий билимларини ошириш, оиласардаги муаммоларни илмий ўрганишни тартибга солиш каби вазифалар қўйилди. Бу эса жамиятимизда оиласининг мавқеини янада ошириб юборди. 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили», 2013 йилнинг эса «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши эса мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, оила институтини янада мустаҳкамлади. Дарҳақиқат, мустаҳкам оила фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Шу мақсадда, Президентимиз «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурида қўйидаги устувор вазифаларга эътибор қаратилишини яна бир бор таъкидлади:

*биринчидан*, оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ҳамда мавжудларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

*иккинчидан*, ёш оиласарни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

*учинчидан*, оиласарни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллаларнинг ўрнини, нуфузини янада ошириш;

*тўртинчидан*, оила олдида турган моддий, маънавий, тарбиявий муаммоларни ечишда аёлнинг ўрни бекиёслигини эътиборга олган ҳолда, уларнинг оғириини

енгил қилиш, яъни аёлларни янада қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратиш;

**бешинчидан**, маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, азалий қадриятларимизни асрраб-авайлашда оиланинг бекиёс ўрнини кўрсатган ҳолда, оила институтининг тълим-тарбия соҳаси билан амалий ҳамкорлигини кучайтириш.

Оиланинг ушбу устувор йўналишда белгиланган тарбия соҳасидаги масъулияти нуқтаи назаридан, унинг тарбия ўчоғи эканлигини таъкидлаш лозим. Оила – шахс ўз-ўзини намоён қилишининг табиий усулидир. Маънавий-ахлоқий тарбияли шахе фақатгина маънавий-ахлоқий соғлом оила муҳитида шаклланиши мумкин. Бугунги шиддат билан кечётган глобаллашув жараёнидаги маънавий таҳдидлар даврида ҳамма нарса бевосита тарбияга боғлик. Тарбия учун масъулият эса аввало оиласа юкландади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оиланинг бош тарбиячилик мавқенини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Оила – миллий турмуш тарзимизнинг ажralmas бир кисмидир. Миллий турмуш тарзининг ажralmas бўллаги ҳукукий маданиятдир. Миллий турмуш тарзига олимларимиз қуидагича таъриф берадилар: миллий турмуш тарзи – ижтимоий муносабатлар учун хос бўлган ҳаёт ва фаолият шакллари тизими бўлиб, улар бевосита ҳаёт шароитларига боғлик ҳолда юзага келади ҳамда одамларнинг хулқ-автори, юриш-туриши, муомаласи ва тафаккур тарзи орқали намоён бўлади. Миллий турмуш тарзи тушунчаси жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва ҳукукий ривожланишини ҳам қамраб олади. Бу ривожланиш моддий омиллар каби, одамларнинг ҳаёт ва фаолиятини, хулқ-авторини, шахс турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи қадриятларни юзага келтиради. Миллий турмуш тарзимизда ҳукукий ва ахлоқий қадриятлар ўзига хос аҳамиятга эга. Шундан кўриниб турибдики, оиласа

шаклланаётган ҳукукий, ахлокий қадриятлар ўз жойида ишлатилиши жамиятда ҳукукий маданиятнинг қарор тошигига имкон яратади.

Оиланинг муҳим маънавий, маданий хусусиятларидан бири – унинг миллийлигидир. Шу туфайли у ўзида миллий тарбия маданиятини ҳам у ёки бу даражада акс эттиради. Миллий тарбия тушунчасига сиёсатшунос М. Куроновнинг «Миллий тарбия» номли монографиясида қўйидагича таъриф берилади: «Миллий тарбия – маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлодни замонавий шароитда келажакка мос равища шакллантириш жараёнидир; шахснинг миллийлиги унинг маданий даражасидир; ҳар бир миллий маданият – умуминсоний қадриятнинг муайян қўриниши. Чунки инсоният – бу ҳалқлар, миллатлардир. Ана шу нуктаи назардан миллий тарбия – ҳар бир инсонни ўз миллий маданияти манбаида, яъни муайян умуминсоний қадрият асосида шакллантириш жараёнидир... Шунинг учун бу жараён давлатнинг манфаатларига мос равища мақсадга йўналтирилса, миллий тарбия улкан яратувчан, тараққийпарвар маърифий кучга айланади»<sup>1</sup>.

Миллий тарбияда ўзбек оиласининг бекиёс ўрни борки, бу унинг ўзига хослигига яққол намоён бўлади. Ўзбек оиласини ўзига хослиги иноқлик туйғуларига асосланишида, эр-хотин муносабатларида турмушнинг бутун огирини, ор-номусини ўз зиммасига олган эр-какнинг улугланишида, ўз қобиғига ўралиб қолмасдан маҳалла ва қўшнилар билан ўзаро яқинлик муносабатларида қўринади. Шу билан бир қаторда, бола тарбиясида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлиб, бола аввало катталарга ҳурмат руҳида тарбияланади. Бу ота-онадан мастьулият талаб этади.

Оилада ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат болаларда ҳукукка бўлган қарашларни шаклланти-

---

<sup>1</sup> Куронов М. Миллий тарбия. –Т.: «Маънавият», 2007. 27-бет.

ришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Ҳалқимизда қадимий накл бор: «Куш уясида қўрганини қиласди». Агар ота-оналарнинг ўзлари ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг ҳуқуқий томонларидан бехабар бўлсалар, хизмат жойларида, кўча-кўйда билиб-бilmай қилган ҳукукбузарликларини ҳеч нарса бўлмагандек, фарзандлари олдida муҳокама қилишса, ва ўзларини ҳак деб хисоблашса, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясида оила-нинг муҳимлиги, бошқа ҳуқуқий таълим тизимидағи каби қонун билан белгиланган ҳодиса эмас, у ўзбекона тарбияга хос маънавий-ахлоқий қадриятлари билан белгиланади. Оилавий муҳит ўзаро ҳурмат, олийжаноблик, ҳалоллик асосига қурилган бўлса, оила бошликлари ўз вазифаларига сидқидилдан қарасаларгина жамиятда фозил инсонлар етишиб чиқади. Тарбияда ота-онанинг фарзандларга ўrnak бўлиши энг катта самара беради. Бундан ташкири, оилада фарзандлар тарбиясини тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир. Оила бир жамоа бўлиб кўрсатувлар томоша қилиши, китоб, газета, журналларни ўқиб, биргаликда муҳокама қилиши, бирга меҳнатни ва дам олишни ўз вақтида уюштириши катта аҳамиятга эга. Шунингдек, болани тартибга ҳам ўргатиш лозим:

Бу хусусида Ибн Сино шундай деган: «шароитнинг қандай бўлишидан қатъи назар, бола тарбияси ота-оналарнинг асосий бурчи ва вазифасидир». Ота-она қаерда ишлашининг аҳамияти йўқ. У жамиятнинг оддий фуқароси ёки юкори мансаб эгаси эканидан қатъи назар, бола тарбияси масаласида ҳаммага бир хил талаб қўйилади. Давлат бошликлари ва бошқа катта мансабдор шахслар ҳам оила тарбияси масаласида бошқаларга ўrnak кўрсатишлари лозим.

Ҳуқуқий тарбия – бутун жамоатчиликнинг иши. Ёшларга муносабатда ота-онанинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам миллатга, Ватанга муносабати акс этади. Демак,

тарбияни фақат оиласа ёки ўкув муассасалари зиммасига юклаб қўймай, бутун жамоатчилик ҳамкорлигига олиб бориш яхши натижалар беради. Баъзи ота-оналар таълим муассасалари бор-ку, деб бола тарбияси билан жиддий шугуланишмайди. Фарзандлари нотўғри йўлга кириб кетганларидан кейин қаерда ва нимада хотога йўл қўйдим, деб афсусланишади. Бундан эса фойда бўлмайди. Ота-она таълим муассасаси билан яқин алоқада бўлса, оиласаги тарбия ижтимоий тарбия билан уйғунлашсагина кутилган самарани беради. Шу билан бир қаторда ота-она ўзининг ахлокий, хукукий, сиёсий, педагогик маданиятини юксалтириб борсагина ўз фарзандига тарбия бера олади.

Оилада илк хукукий тарбия қўйидаги усуллар орқали олиб борилади:

1. Ўрнак, ибрат-намуна.
2. Ишонтириш.
3. Ўзаро ҳурмат ва ишонч.
4. Огоҳлантириш.
5. Рағбатлантириш.
6. Мажбурлаш.
7. Лозим бўлса – жазолаш.

Ушбу усулларнинг барчасидан вазиятга қараб фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бола ўзининг ҳар бир қилган хатти-ҳаракати ва унинг оқибати учун жавоб беришга ўрганиши лозим. Жамиятдаги сингари оиласа ҳам ҳеч нарса жавобсиз қолмаслиги керак. Зарур бўлганда оиласа оддий бажарилиши лозим бўлган айrim вазифаларни мажбурлаш йўли билан бўлса ҳам ўргатишимиз керак. Бу эса болада мажбурият ҳиссини тарбиялаб боради.

Оилада, мактабда, маҳаллада олиб бориладиган ахлокий тарбия жамоатчиликнинг кучи, оммавий ахборот воситалари, буларнинг барчаси одамларимиздан конун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-

ҳаракатларга нисбатан қаршиликни шакллантиришга қаратилиш керак.

Модомики, оила асосий тарбия ўчоги ҳисобланар экан, бу борада ота-оналар зиммасига катта масъулият юкланди. Отa-онанинг сабр-тоқат билан тарбия сирларини билиб иш олиб бориши болада ижтимоий фойдали деган тушунча ва яхши одатларни ривожлантиришда катта самара беради. Шу боис, ота-оналар бола тарбиясими унинг хулқини яхшилашдан бошлашлари керак.

Педагог олимларнинг қузатишларига кўра, ота-оналарнинг тарбиячи сифатида обрўини туширувчи сабаблар мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир:

- ота-она ўзини фарзандининг бокувчиси сифатида англаб, тарбиячи ҳам эканини чуқур тушуниб етмаслиги;
- оиласарда учрайдиган ахлоқсиз турмуш тарзи;
- ота-онанинг болаларига айтган сўzlари, панд-насиҳатлари ва амалдаги хатти-ҳаракатлари орасидаги тафовут;
- ота-онанинг фарзандига қилган хизматини рўкач килиши, улар билан қўпол тарзда муомала килиши;
- ота-онанинг фарзандлари ҳаётига, қизиқишлирга эътиборсизлиги, уларга вақт ажратмасликлари, оила юмушларига меъёрда жалб қилмаслиги;
- ўқувчи фарзандлар билан муносабатда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқмаслик ва бошқалар.<sup>1</sup>

Фарзанд тарбиясида ёш хусусиятининг ўзига хос томонларига эътибор қилмаслик мумкин эмас. Айниқса, ўсмирлик даврида ота-она билан фарзандлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади, бу ўз-ўзидан ёшларнинг ўз оиласидан узоклашишига, ташки таъсирларга тез берилишига олиб келади. Бунга сабаб:

- ота-онанинг ўз фарзанди учун ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада шахсий намуна эканини англаб етмаслиги;

---

<sup>1</sup> Куронов М. Миллий тарбия. –Т.: «Маънавият», 2007. 179-бет.

- ота-она оила аъзолари орасида фарзанд олдига кўйиладиган тарбиявий талабларда яқдилликнинг етишмаслиги;
- ўкувчининг кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсизлик, аниқ мақсадга йўналтирилмаганлик;
- рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устуворлигини тушуниб етмаслик;
- миллий кадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда изчилликнинг етишмаслиги;
- болани тан жазоси билан қўркитиш;
- ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгидаги тез-тез жанжаллашиб туриши;
- оила муҳитида адолатсизлик, иккиюзламачилик, ўғрлик, товламачилик, порахўрлик иллатларининг намоён бўлиши;
- ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий дараҷаларининг пастлиги;
- ота-оналарнинг салбий хулқ-атворлари ҳамда уларнинг уйда ошкора ичкиликбозликка берилиб кетишлари, тамаки чекиш, гиёхвандлик;
- беҳаё сўзлар, карғишлар ва сўкинишлар;
- ўз фарзандини «энг яхши» деб ҳисоблаш;
- «биз кийналганмиз, болаларимиз роҳат қилсин» – деб қараш туфайли фарзандни эркалатиб юбориш;
- «бала кийналиб катта бўлса, ота-онанинг, меҳнатнинг, ҳаётнинг кадрига етади» дея кўр-кўронага каттиққўллик билан тарбиялаш;
- фарзандига ваъда бериб бажармаслик;
- оилада яхши анъаналар, расм-руsumлар, урф-одатларнинг йўклиги ва маълум қолипдаги салбий хатти-харакатларга риоя қилиниши, ижтимоий муҳитдан тубдан ажралиб колишлиги, лоқайдлик;
- фарзанд тарбиясида таълим муассасаси билан ҳамкорликдан ўзини четта олиш каби тарбиядаги катта-кичик қусурлар.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий, ҳар кимки илм-хикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсан, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, мақр ҳийладан узок бўлсин, диёнатли бўлсин ва барча қонун-коидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсан, илм ва аҳли илмдан мол-дунёни аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисидаги билимни эгалласин, деб таъкидлайди. Жамиятда рўй берайтган ҳамма жараёнлар оиласага, кишилар турмуш тарзига бевосита таъсир қилиб бориши каби, оиласидаги муносабатлар ҳам жамиятга уёки бу соҳада ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳар бир инсон оиланинг ўзидаёқ ёшлигидан бошлаб мъянивиятнинг манбаларидан озиқланиб боради. Аввало, оиласада ота-онанинг ўрни, бошқа оила аъзолари билан муносабати ёшлар учун мактабдир. Оила аъзолари ўқиётган даргоҳлар ёки ишлаётган меҳнат жамоаларидаги муҳит таъсирида шахснинг тафаккури шакллана боради. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар у қайси тизим бўлишидан қати назар, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат жараённига мос келиши керак. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қонун-коидалар, тартибинтизом билан белгиланиб бошқарилади ва бу ҳолат оила-да ҳам ўз аксини топади.

Оиласарда сақланиб қолган урф-одатлар, анъаналар тарихи узок ўтмишга бориб такалади. Мусулмон оиласарда ёшларни тарбиялаб, жамиятда ўз ўрнини топишида азалдан алоҳида эътибор қаратиб келинган. Оила шариат қонунларига бўйсунған ҳолда жамиятнинг талабини ҳам бажариб бориши зарур. Инсон оиласада жамият талаб-ларига мос ҳолда тарбияланиб боради. Шарқона маданият оиласаримизда қадимдан сақланиб қолганлиги ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир оиланинг ҳуқуклари жамият томонидан конунйўли билан ҳимоя килинади, кафолатланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси хамда бошқа катор конунлар ва қочуности ҳужжатларини санаб ўтиш мумкин. Лекин оиланинг ҳам жамият олдида ўзига хос мажбуриятлари бор. Мана шу бурч ва мажбуриятларни бажариш учун ҳар бир оила аъзоси жамият олдида масъул. Шундай мажбуриятлардан бири оиласидаги фарзандлар тарбиясидир. Ёшларни ҳар томонлама ахлокий, ҳуқукий, сиёсий жиҳатдан саводхон, маданиятли қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда оиланинг олдига қўйилган муҳим мақсад ва вазифалардан биридир.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдир, деб кўрсатиб ўтилган. Оила Кодексининг 2-моддасига кўра, бола туғилган ва яшаб турган оиласига унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳакида ғамхўрлик қилиш, ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

1997 йил 27 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Конуннинг 30-моддасида вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки конуний вакиллари боланинг конуний ҳуқуклари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси ва таълим олишлари учун жавобгардирлар, дейилган.

Боланинг билим олиш ҳуқуқи ҳалқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. БМТ томонидан қабул қилинган «Бола ҳуқуклари тўғрисида»ги Конвенциянинг 28-29-моддаларида таълим ва таълимдан кўзланган мақсадлар баён этилган. Унда бола таълим олиш ҳуқукига эга, бунда давлатнинг вазифаси бепул ва мажбурий бошланғич таълимни таъминлашдан иборатdir, дейилган.

Конституциянинг 18-моддасида бола тарбиясида ота-она масъулияти, 19-моддасида эса ота-онанинг бо-

ла тарбиясига лоқайд мумомалада бўлишдан ҳимоялаш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Унда ота-она биргаликда бола тарбияси учун асосий жавобгар хисобланади, давлат эса бу борада уларни қўллаб-қувватлаши шартлиги ҳамда давлат болани тарбиялашда ота-онага тегишли ёрдам кўрсатиши зарурлиги ва, аксинча, болага ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан мумомалада бўлишдан ҳимояланиш мақсадида қонуний, маъмурӣ, ижтимоий, маърифий чора-тадбирларни кўрадилар дейилган. Мамлакатимизда ҳам ушбу масалалар ўз ечи мини тўла-тўқис топган.

Дарҳақиқат, болаларнинг таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборида турибди. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўплаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди ва замонавий талабларга мос килиб жиҳозланди. Ана шу таълим даргоҳларида ёшларимиз таълим-тарбия олиб, турли касб-хунар сирларини ўрганмоқдалар.

Оила Кодексининг 73-моддасида ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳукуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳукукига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган даражада **таълим олишини таъминлаши шарт**. Бунга жавобан Оила Кодексининг 67-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳукукида шундай дейилади: «Боланинг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва **таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини** бажармаган ёки лозим даражада бажармагандага ёхуд ота-оналиқ ҳукукларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳукуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳукукига эга».

Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарлик асослари кўрсатилган. Ушбу моддага асосан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, энг кам иш ҳакининг иккidan бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари, оиласлар ташкил этади ва ҳар бир фуқаронинг тутган ўрни билан давлатнинг қудрати келиб чиқади. Ёшлар тарбиясига, фарзандлар тарбиясига бепарвоник, оиласга бепарвоник – жамиятга бепарвоникдир.

Фарзанднинг оиласда қандай тарбия олиб ўсаётганини унинг хатти-харакатларидан, жамиятга, табиатга, қонунга бўлган муносабатларидан яққол кўриш мумкин. Оиласда ёшларимиз одоб-ахлоқ нормаларини қай даражада ўрганиб, уларга амал қилсалар, бу келгусида хукуқий нормаларга нисбатан ҳам ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало оиласда фарзандларга ўз мажбуриятларини, бурчларини тушунтириб, уларни бажаришга одатлантириш лозим, бу келгусида жамият олдидаги хукуқий мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни таъминлайди.

Фарзандларнинг онги, билими, хукуқий маданияти, ўсмирилик даврида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу пайтда, у турли тоифа дўйстлар орттиради, шу пайтгача унга айтилган нарсаларга танқидий қарай бошлайди, мактаб даврига нисбатан мустақил ва ўз нуқтаи назарига эга бўлади, ота-онанинг панд-насиҳатлари, қаттиққўлиги, доимий назорати ёқмайди, мустақил фикрлашга, мустақил карор чиқаришга интилиш кучаяди. Баъзан ота – фарзанд – она ўртасида арзимас нарса-

лардан келишмовчиликлар келиб чиқади. Бунда ота-оналар, фарзандимиз энди мустақил ҳаётга қадам қўйди, ўз ҳолига қўйяйлик, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Бу мутлақо нотўғри фикрдир, худди мана шу даврда оила фарзанд учун тарбиячи бўлиши унинг ижтимоийлашувига ёрдам бермоғи лозим.

Шахснинг ижтимоийлик белгиси унинг доимий билимга чанқоқлигига, дунё қараши кенглиги, қонункоидани, тартиб-интизомни яхши билиб, уларга амал килишидадир. Ҳукуқий билими юксак инсонлардан ташкил топган мустаҳкам оиласдан жиноятчилар, қонунбузарлар чиқиши мумкин эмас. Ушбу ҳолат оила аъзоларидан баркамолликни талаб этади. Бунинг учун эса давлатимизда барча имкониятлар яратилган. Жумладан, Интернет тармоғида «Lex.uz» сайтида республикамизда қабул қилинаётган янги қонунлар ва меъёрий хужжатлар ҳақида янги маълумотлар базаси, «Ziyonet» ахборот тармоғининг «Fikr.uz» сайтида «Оила», «Отана», «Ёш оналар» каби рукнлар ташкил этилган бўлиб, бундан асосий мақсад ёшларнинг оиласага бўлган муносабатини шакллантириш ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилишдан иборат.

## **ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА ҲАМДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ**

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда уларнинг ролини ошириш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз И.А. Каримовнинг «Хотин-қизларга муносабат жамия-тимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак», деган сўзларида катта маъ-

но мужассам. Шу боис ҳам хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш, уларнинг ҳуқукий билимларини юксалтириш лозим. Айниқса, қизларимизнинг илм-фанда, маърифат ва таълим-тарбияда ўз фаолликларини намоён килишлари учун моддий ва маънавий шартшароитлар яратиб бериш, уларни замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришга даъват этиш лозим бўлган бир пайтда, ҳаётимизда қизларимиз тақдирига бефарқ бўлган ота-оналар учраяпти. Тўғрироги, вояга етмаган қизлар орасида эрта турмуш қуриш ҳолатлари ва ўз-ўзидан бунинг натижасида эрта туғуруқ ҳолатларини учратиш ташвишли ҳолдир. Бу борада таълим муассасалари, жамоатчилик бефарқ эмаслигини уларнинг профилактик тадбирлар, учрашувлар ўtkазиб келишаётганидан ҳам билиш мумкин. Аммо бу салбий ҳолатларга баъзи оилаларнинг бефарқлигини тушуниб бўлмайди. Шу мақсадда эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларининг ҳуқукий томонларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофик.

Республикамиз қонунчилигида вояга етмаган шахс билан тузилган никоҳ ноконуний деб топилиши кўрсатилган. Оила кодексининг 14-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгилangan. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириш мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Кодекснинг 51-моддасида никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тартиби белгиланган. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақли. Никоҳ ёши шарти кўпинча ФХДЁ органи хизматчилари ўз вазифасини сунистеъмол қилиши ёки никоҳ тузувчиларнинг ўзи томонидан ёши тўғрисидаги қалбаки ҳужжат берилиши натижасида бузилади.

Яна шундай бир ҳолатлар ҳам кузатиладики, айрим ёшларни никоҳ тузишга мажбурлашади, масалан, ота-оналари томонидан ёшларни мажбурлаш ёки айрим ҳудудларда маҳаллий урф-одатлар сифатида келинни ўгиrlаб кетиш каби ҳолатларни мисол келтириш мумкин. Аслида никоҳ томонларнинг ўзаро розилиги асосида тузилиши лозим. Розилик ота-оналарнинг ёки қариндошларнинг мажбур этиши ёки алдаши оқибатида берилган бўлса, ихтиёрийлик тамойили бузилганлиги учун бундай никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилади.

Аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жиноят хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасида ушбу жиноят учун жазо санкцияси белгиланган.

Фуқаролик кодексида фуқаронинг тўла муомала лаёқати 18 ёш қилиб белгилаб қўйилган. Лекин, фуқаронинг мустақил ҳолда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига кириша олиш лаёқати 18 ёш бўлса-да, вояга етмаган ёшларимиз орасида никоҳ тузиш ҳолатларининг учраши ташвишли ҳолатдир. Чунки, айрим ёшлар никоҳ тузишнинг ҳуқуқий асосларини, умуман никоҳ тузишнинг оқибатларини тушуниб етмасдан никоҳга киришмоқда. Ҳали никоҳга, оиласа мослашмасдан туриб фарзандли бўлиш, она бўлиш ҳолатларини қандай изоҳлаш мумкин. Ҳали ўзлари бола бўлган ёш оналар, ҳатто ўрта маҳсус касб-хунар таълимими ҳам охиригача тугатмаган, бирор бир ҳунарни эгалламаган ёш қизларимиз қандай қилиб фарзанд тарбиялаши мумкин? Мамлакатимизда ёшларнинг келажагини ўйлаб, барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган бир пайтда, ушбу имкониятлардан фойдаланмай қизларимиз турмуш қуришга шошилишларини тушуниш қийин. Уларнинг ота-оналари нимани ўйлашяпти?! Аввало вояга етмаган қизларнинг ёш физиологиясидан келиб чиқиб, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида тибиёт ходимларининг, психологларнинг эъти-

роларини айтадиган бўлсак, иккинчидан унинг ҳукукий оқибатлари ҳақида ҳуқуқшуносларнинг фикрига қулок тутмасликнинг иложи йўқ. Мутахассисларнинг бу борада фикрларини, эътиrozларини аввало ота-оналарга ва ёшларнинг ўзларига тушунтириш лозим.

Энг ачинарлиси, ҳатто никоҳ ёшига етмасдан туриб. «шаръий никоҳ» тузиб яшаб келаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Аммо Оила кодексининг 13-моддасига кўра, нафақат вояга етмаганлар, балки умуман ёшидан қатъи назар, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳукукий аҳамиятга эга эмас, деб кўрсатилган. Ҳукукий кучга эга бўлмаган никоҳ эса, ўз-ўзидан томонларга ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкламайди. Бундай никоҳда мулкий ёки номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни томонлар бир-биридан талаб қилишга ҳакли бўлмайди.

Эрта никоҳ тузишнинг олдини олиш ва бу масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан айрим конун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Никоҳ ёши тўғрисидаги конун хужжатларини бузиш ҳолатларига юридик жавобгарлик назарда тутилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47<sup>3</sup> модда билан тўлдирилди. Унга асосан, никоҳ ёшига етмаган шаҳе билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга бериш ёхуд уйлантириш, энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Никоҳ ёшига етмаган шаҳе билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳам 125<sup>1</sup> моддаси билан тўлдирилди. Ушбу модда «Никоҳ ёши тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузиш» деб номланиб, унга асосан никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳакиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўллангандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача микдорда жарима ёки бир йилгача ахлок тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўллангандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача микдорда жарима ёки икки йилгача ахлок тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима белгилашга сабаб бўлади. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлок тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Кизларга ва уларнинг ота-оналари ўртасида эрта турмуш куришнинг салбий оқибатлари ҳакида тушунтириш олиб борища маҳалла ва жамоатчиликнинг таъсири ниҳоятда катта. Албатта, бунинг учун факат уларни бир жойга тўплаб маърузалар қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ҳар бири билан якка ҳолда, ҳар бирининг муаммосини биргаликда ҳал этиш, мақбул ечимини топиш талаб қилинади. Эрта турмуш куришга ахд қилган кизлар ва уларнинг ота-оналари билан индивиду-

ал ишлашда, албатта, психолог ҳамкорлиги мухимдир. Улар ёрдамида қизларга қуидаги саволлар билан мурожаат қилиш ва улардан аник ва рост жавоб олиш лозим. Масалан:

1. Сизнинг никоҳга муносабатингиз қандай?
2. Ёшлар курган оиланинг жамиятга дахли қандай деб ўйлайсиз?
3. Сиз эр-хотиннинг хукуқ ва бурчлари ҳакида нималарни биласиз?
4. Сиз болаларни тарбиялашга тайёрмисиз?
5. Сиз оила бюджетини режалаштиришни ва уйхўжалигини юритишни биласизми?

Шу каби саволларга ижобий жавоб топа олган шахсларгина никоҳ тузишга тайёр ҳисобланади, ўз-ўзидан маълумки бу каби мураккаб саволларга жавоб топиш учун инсондан билим, кўникма ва малака талаб этилади. Ёш қизлар ҳаётий тажрибасизлиги боис, бу билим ва кўникмаларга эга эмас. Шу боис ҳам «таълим муассасаса – маҳалла – оила» концепцияси доирасида ҳамкорлик ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир маҳалла ўз худудида жойлашган муаммоли ёки носоглом оиласида маҳалла фаолларидан бир неча кишини бириктириб, уларнинг муаммоларини биргалашиб ечишда амалий ёрдам кўрсатиши керак. Фарзандининг келажагини калта ўйлаган ота-оналар, албатта, маҳалладаги хурматга сазовор онахон ва отахонларнинг фикри билан ҳисоблашиш керак.

Маълумки, эрта турмуш қуриш ҳолатлари, ёшлар орасидаги муаммолар ҳаётда бирданига рўй бермайди. Бунинг учун маълум сабаблар бўлади. Бу сабабларни ўз вақтида ўрганиб, ижобий ҳал қилишда маҳалла қўмиталарининг роли катта. «Маҳалланг – ота-онанг», деган мақолда жуда катта рамзий маъно бор.

«Мустаҳкам оила йили», «Обод турмуш йили» давлат дастурларининг устувор йўналишларидан бири, бу –

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юкланган катта масъулиятдир.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчи қизлари академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўқишини қамраб олиш ҳамда касб-хунар колледжларини битираётган қизларнинг бандлигини таъминлашда ҳам ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маҳаллаларда яшайдиган битирувчиларнинг ҳар бирига маҳалласидан фаоллар бириктирилган. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда таълим муассасаси ва ота-оналар билан бир каторда бириктириб қўйилган фаоллар ҳам биргалиқда масъулият билан ёндашмоқда.

Қизларнинг эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вояга етмаган қизлари бор оиласларга маҳалланинг фаоллари бириктириб қўйилган бўлиб, ўша оиласларнинг ота-оналари билан эрта турмуш қуришнинг оқибатлари юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришияпти. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, диний идора вакиллари иштирокида ёшлиар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. «Оила – маҳалла – таълим муассасаса» ҳамкорлиги тизими туман ва вилоят ҳокимлеклари томонидан мувофикалаштириляпти.

## **ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ**

Президентимизнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш хақида»ғи 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини

юксалтириш, жамият аъзоларининг хуқуқий фаоллиги-ни ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмалига аҳолининг хуқуқий билимларини ошириш юзасидан аник максадга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

Фуқаролик жамиятида ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш давлат органлари зиммасига масъулиятли вазифа бўлибгина қолмай, балки жамоат ва бошқа нодавлат тузилмаларнинг фаоллигини ҳам талаб этувчи муҳим жараёндир. Нодавлат тузилмаларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг хуқуқий маданияти даражасини муттасил ошириб бориш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари кенг ўрин тутади. Уларнинг зиммасига хуқуқий таълим ва хуқуқий тарбиянинг турли шакллари ни ёшларга тушунириш вазифалари юкландади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида хуқуқий ахборотнинг очиқлиги аҳамиятлидир, шу жумладан, маҳалла институтларининг мавқеи юқори даражада эканлигини эътироф этиш лозим. Шу сабабли, аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллаларда ёшларнинг хуқуқий маданиятини ошириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кутилган натижани бериши шубҳасиз. Маҳаллаларда янги қабул қилинаётган конун ҳужжатлари юзасидан кенг тушунириш ишларини олиб бориш ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини оширишга катта ёрдам беради.

Мамлакатимизда нодавлат ва жамоат ташкилотлари-га эътибор кундан-кунга ошиб боряпти. Бунга, иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида ҳам эътибор қаратилган. Бу хусусда Президентимиз «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ хукуклар бериш катта аҳамият касб этади»<sup>1</sup> – деб такидлаган эди.

Маҳалла ҳар бир оиласидаги маънавий-ахлоқий муҳитга, фарзандлар тарбиясига катта таъсир ўтказиб келган. Юртимиз мустакилликка эришганидан сўнг маҳалла демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида расмий мақомга эга бўлди, ҳокимиятнинг ўзини ўзи бошқарувчи қуи органига айланди. Хукуқшунос олим З. Исмаилов маҳалланинг жамиятда тутган ўрнини қуидагича баҳолайди: «Маҳалланинг таълим-тарбия мактаби, ҳаёт дорилфунуни сифатида аҳамияти шу қадар каттаки, унинг бу борадаги ўрни ва ролини аниқ ва мумкаммал баён этиш, моҳиятини тўла ёритиш ҳеч ҳам мумкин эмас».<sup>2</sup>

Шунингдек, немис сиёсатчиси Артур Файнберг «Маҳалла инсон хукукларини хурмат қилган ҳолда ёшларни тарбиялашга, уни камол топишига кўмак берувчи жамият инструменти»<sup>3</sup> деб баҳо берган. Дарҳақиқат, маҳаллада содир бўлаётган ҳар қандай воқеликлар аҳоли кўзига яққол ташланади, шунингдек, маҳаллада жиноий ва шубҳали ҳолатларни яширинча амалга ошириб бўлмаслиги шу-

<sup>1</sup> И.А. Каримовнинг иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги матьузаси:// «Халқ сўзи» газетаси. 2000, 26 январь.

<sup>2</sup> З. Исломов Давлат ва хукуқ: умумназарий масалалари. –Т.: «Адодат», 2000. 39-бет.

<sup>3</sup> А. Файнберг. Узбекская махалля: традиции, основа государства и безопасности. 2005. стр. 26.

нинг учун ҳам, бу ноёб институт жамият ҳавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Инсон маънавиятини шакллантиришда маҳалланинг ўрни оиладан кейин иккинчи ўринда эканлиги эътироф этилган. Бу кўрсаткич йил сайн ўсиб бораётганлигини куйидаги социологик тадқикот натижаларида кўриш мумкин. 2003 йилда 43,2 фоиз, 2006 йилда 43 фоиз респондент инсон маънавиятини шакллантиришда маҳалланинг ўрни муҳимлигини тасдиқлашган бўлса, 2011 йилда 56,5 фоиз респондент буни маъқуллаган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қонунчилик жараёнининг тез ривожланиб бораётганлигини назарда тутиб, аҳолини етарли даражада юридик маълумотлардан хабардор қилиб бориш лозим. Айниқса, маҳаллаларда ҳукукий билимлар кунини ўтказиши, аҳолини юридик адабиётлардан баҳраманд қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қонунни бузиш ҳолати ҳаётда тўсатдан рўй бермайди. Бунинг учун муайян сабаблар, тўпланиб қолган муаммолар бўлади. Бу сабабларни ўз вақтида ўрганиб, ижобий ҳал қилишда ҳар бир оиланинг, маҳалла қўмиталарининг роли каттадир.

Истиклолга эришганимиздан кейингина маҳаллага эътибор давлат аҳамиятига молик ишга айланди. Президентимиз мустақилликка эришганимизнинг дастлабки давридаёқ бу ишга алоҳида эътибор қаратди. Республикада «Маҳалла хайрия жамгармаси» тузилди. Унинг тизимлари вилоятларда, туманларда ташкил этилиб, шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатмоқда. Улар олиб бораётган ташкилий, тарбиявий ишлар ҳалқимиз манфаатлари билан уйғунлашиб кетди. Ҳозирги даврда маҳалла марказлари, гузарлар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамият билан оила ўртасидаги боғлиқлик мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Маҳалланинг ҳусусияти шундаки, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро маҳалла аҳлининг кўз ўнгига шаклланади. Ёшлар тарбияси маҳалла фаолияти билан узвий боғлиқ

бўлган жараёндир. Шуни инобатга олган ҳолда Республика «Маҳалла» жамғармасининг бу борада олиб борган ишлари таҳлил қилиб борилмоқда. Республикализнинг барча вилоятларида турли мавзуларда ёшлар ўртасида кўплаб турли тадбирлар ўtkазилгани таҳсинга сазовордир.

Ҳокимият бўғини бўлган маҳалла ёшлар ўртасида катта тарбия ўчоги, маънавият ва маърифат маркази бўлмоғи лозим. Чунки аҳолининг катта қатламини ўзига жиспластирган бу масканда турли ижтимоий қатлам вакиллари ва турли ёшдаги жамоа мавжуд. Ҳар бир қабул қилинган қонун ёки меъёрий хужжатларни аҳолига етказиш учун маҳаллаларда барча шароит муҳайё. Агар маҳалла қўмиталари қошида хукуқий мавзуларда доимий сухбатлар ташкил этилиб, хукукий тадбирлар ўtkазиш йўлга қўйилса, бу жараён ёшларнинг хукуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орғанлари қошида «Маҳалла ёшлари етакчиси» фаолиятини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофик бўларди.

Ҳозирга даврда хукуқий маданиятни шакллантиришда оғзаки, кўргазмали ва илгор техник воситалардан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Бунда радио, телевидение, интернет тармоги ва кўчалардаги турли хилдаги рекламаларнинг ўзига хос ўрни бор. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ҳам ниҳоятда муҳимдир. Уларнинг қулай томони аҳоли талабини ҳисобга олиб, зарурий ахборотни етказиб бериш имкониятининг борлиги ва аҳолининг барча қатламларини камраб олиб таъсир этишининг мавжудлигидадир.

Янги қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини оммага тушунтириб боришда радио ва телекўрсатувларнинг таъсири жуда кучли. Фикримиз далили сифатида, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» марказининг «Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий дунё» мав-

зуида олиб борган социал тадқикотлари натижаларига эътибор қаратсак, унда қуйидаги фактлар аникланган. Сўровда 1639 киши иштирок этган. Шундан 72,8 фоизи – республика телекўрсатувларини, 16,2 фоизи Россия телекўрсатувларини, 11 фоизи бошка телекўрсатувларни кўпроқ томоша килишларини айтишган. Аҳолининг кизикишлари эса ОАВ ходимлари зиммасига катта масъулиятни юкламоқда. «Қайси мавзудаги кўрсатув ва дастурларни, фильмларни кўришни лозим топасиз?» деган саволга, 2775 та респондентдан 49,8 фоизи ахборот таҳлилий; 6,8 фоизи илмий; 25,9 фоизи ахлоқий-мъянвий; 8,2 фоизи спорт; 5,3 фоизи диний; 29,6 фоизи мусиқий; 35,9 фоизи спектакль, театр; 11,7 фоизи сериалларни маъқул кўришларини айтишган. 0,67 фоизи жавоб беришга қийналишган. Бу натижалар шуни кўрсатадики аҳолининг кўпчилик кисмини ахборот-таҳлилий кўрсатувлар қизиқтирап экан. Демак, ушбу кўрсатувлар орқали хукукий таргигот ва ташвиқот ишларни кенг кўламда олиб бориш лозим бўлади. Аммо бу ишда фақат фактларга асосланиб, фаолиятда чегараланиб қолмасдан, балки ундаги хукукий тарбияда ижодий ва ижобий таъсирини кучайтириш керак. Улар орқали ташкил килинадиган конунларни шарҳлаш ишлари аниқ мисоллар ва фактларга суюнган ҳолда олиб борилса мақсадга мувофик бўлади.

Оммавий ахборот воситалари орасида ёшлар учун телевидение анча устун туради, аммо газета, радио ва журнallар ҳам аҳамияти жиҳатидан ўзига хос ўринга эга. Социал тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, халқимиз орасида, айниқса, ёшлар орасида радиоэшлиши анчайин паст дараражада экан. Масалан, 1639 респондентдан 52 фоизи радио эшлиши таъкидлаган. Шулардан 35,5 фоизи «Ўзбекистон» радиосини; 33,6 фоизи «Машъял» радиосини; 8,3 фоизи «Грант» радиосини; 3,8 фоизи «Ёшлар» радиосини; 12,9 фоизи «Маяк» ва «Мой город» радиосини; 5,6 фоизи вилоят радиоларини тинглашини айтишган. Бу

натижалар радиоэшиттириш ходимларининг эшиттиришлар савиясини ошириши, уларнинг қизиқарли тусда олиб боришлари зарурлигини тақозо этмоқда.

Ёшларнинг жиноят ҳуқуқига нисбатан таъсирчанлиги ва қизиқишлиарини эътиборга олиб, улар ҳуқуқнинг мазкур соҳасини мукаммал билади ёки тўлиқ хабардор дейиш хато бўлади. Фикримизни Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот натижаси орқали асослаб бермоқчимиз. «Ёшлар ўз ҳуқуклари ҳақида» мавзууда олиб борилган социологик тадқиқотнинг натижаларига кўра ёшлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини Конституцияга нисбатан камроқ билишар экан. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини ўқиганмисиз?» деган саволга жавобан 54,5 фоиз киши қисман ўқиганлигини, 14 фоиз эса тўла ўқиганлигини, деярли ҳар учунчи респондент (31,1 фоиз) ўқимаганлигини билдирган. Бу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, кўпгина ёшлар ўзларини қизиқтирадиган ҳуқуқ тармоқларига дахлдор бўлган ва бу борадаги билимларнинг асосий манбай ҳисобланган ҳуқукий хужжатлар билан таниш эмаслар.

Оммавий ахборот воситалари бу борада эътибор беришлари лозим бўлган жихатлар ҳам бир қанча. Хозирги кунда кўплаб газета ва журналларда: «Савол беринг, жавоб берамиз», «Хукукий маслаҳатхона», «Ўз ҳуқукларингизни биласизми?», «Бурч ва масъулият», «Сизнинг адвокатингиз» каби рукнларнинг очилиши ва бунда берилган маълумотлар, саволларга жавоблар ўкувчиларни ўзига кенгроқ жалб этмоқда. Демак, бу борадаги фаолиятни янада кенгайтириш ва янги рукнларни ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор каратиш лозим. Янги таҳрирдаги қонунлар тўғрисидаги маълумотларни ҳалкқа етказиб беришда ҳам матбуотнинг ролини янада ошириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда хукуқий маданиятни шакллантиришда оиланинг, махалланинг, оммавий ахборот воситаларининг, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларнинг ўрни бекиёсдир. Уларнинг тарбиявий соҳадаги вазифаларига масъулия билан қарashi, ўзаро ижтимоий шерикликни кучайтириши лозим. Улар томонидан ҳукуқий тарбияга оид ўтказилаётган тадбирлар умумийлик касб этмасдан, ўз фаолиятида ижтимоий гурӯхларга, айниқса, ёшларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофик.

---

## ХУЛОСА

Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшларнинг хукукий маданиятини ошириш муаммолари ни барча ижтимоий институтлар ҳамкорлиги билангина ҳал этиш мумкин. Бу муаммони ҳал этишда асосий бўғин таълим муассасалари бўлиб, оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, хукукий тарғибот органлари ёрдамчи субъектлар хисобланади. Бу субъектларнинг фаолиятига бевосита ёрдам берувчилар эса ёшларнинг ўзларидир. Чунки уларнинг хукукий билимларни қай даражада эгаллашлари, олган билимларини ҳаётга, амалиётга татбиқ этишлари бевосита ўзларига боғлиқ. Хусусан, бугунги кунда, буюк келажакнинг пойдевори қурилётган бир пайтда ҳаётга ёшларнинг хукукий онги, хукукий маданиятини ўстириш асосий вазифалардан бирига айланди.

Бугунги кунда ёшларнинг хукукий маданиятини шакллантиришда оиласнинг ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан тахлил қилиб қуйидаги таклиф ва хулосаларга келдик.

**Биринчидан**, умуминсоний қадриятларни камситиш, жамият ривожига салбий таъсир қилишини эътиборга олган холда, хукукий мафқурани такомиллаштириш, уни миллий гоялар билан бойитиш лозим.

Яъни, умуминсоний қадриятларга асосланган урфодатлар, маънавий-маданий қадриятлар негизида, хукуқ мафқурасини ёшларнинг онига миллий тарбия орқали сингдириш, ёшларда хукукий маданиятни қарор топтириш мумкин.

**Иккинчидан**, ёшларни алоҳида ижтимоий-демографик гурух сифатида караб, уларнинг хукукий маданиятига таъриф бериш. Ёшларнинг хукукий маданияти тушунчаси назарий жиҳатдан уларнинг хукукий саводхонлиги, қонунларга бўлган ҳурмати, хукукий нормаларни ижро этиши, хукуқбузарликларга бўлган муросасизлик, хукукий фаоллик ва хукукий ташаббускорлик даражасини англаради.

**Учинчидан**, ёшларда хукукий маданиятни шакллантиришда эътибор бериш лозим бўлган ўзига хос шартшароитлар ҳам мавжуд. Булар: ўқувчи ёшлар таълим жараёнининг субъекти эканлиги; уләрнинг жамият хукукий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиши; аниқ бир соҳанинг бўлғуси кичик мутахассиси бўлиши; талабалар алоҳида бир гурӯҳ сифатида қаралиши; уларнинг ўзига хос ёш психологияси; ўқувчиларнинг бир қисми ўз уйларидан узоқда яшашлари. Ушбу ўзига хос хусусиятлар ҳамда шарт-шароитлар ёшларга хукукий тарбия беришда, албатта, ҳисобга олиниши зарур.

**Тўртинчидан**, ёшларнинг хукукий тарбияси тушунчасини илмий таърифлаб, қуйидагича изоҳлаш лозим топилди: *ёшларнинг хукукий тарбияси* – ёш мутахассисларнинг хукукий билимлари, хукукий маданиятини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия фаолиятини ташкил этади.

**Бешинчидан**, ёшларнинг хукукий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ўрганиб чиқилди. Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари бекиёс кудратли кучга айланганини инкор этиб бўлмайди. Аммо оммавий ахборот воситаларининг хукуқ соҳасини ёритишда олиб бораётган ишларида хукукий ахборотлар, тарзибот ва ташвиқот бир томонлама ёки факат фактлар билан чегараланиб қолганида кўриш мумкин. Шу боис ёшларни қизикишларига мос келадиган оммабоп юридик адабиётларни чоп этишга, хукукий-сиёсий кўрсатувлар ҳамда эшииттиришларнинг савиясини оширишга, Интернет тизимида хукукий маълумотларни қизикарли қилиб етказишида миллий сайтлар фаолиятини кучайтиришга эътиборни каратиш лозим.

Бугунги кунда ёшларимиз нафакат таълим муассасаларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам турли-туман ахборот ва маълумотларни олмоқда. Ушбу олган маълумотларини тўғри таҳлил қила олиш учун, Президентимиз айтганидек, юксак маънавиятга эга, етук ёшлар шаклланиши керак.

---

## **БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛА ВА ОТА-ОННИНГ МАСЪУЛИЯТИ ҲАҚИДА ҚИММАТЛИ ФИКРЛАР**

Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга одоб-ахлоқини ҳам яхшиланглар.

\* \* \*

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

*Ҳадисдан*

\* \* \*

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан – оила бор. Оила бор экан – фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

\* \* \*

Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир.

\* \* \*

Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади.

\* \* \*

Оила – ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас кўрғон.

\* \* \*

Пок ва соғдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенгглаша олмайди.

\* \* \*

Оила Ватанинг буюк келажагини улғайтирувчи муқаддас бешик.

\* \* \*

Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъ-  
улиятли касб нима деб сўрашса, мен ота-оналик, мураб-  
бийлик деб айтган бўлардим.

\* \* \*

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг та-  
рихан шаклланган қиёфасини йўқотмади.

\* \* \*

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маъна-  
вий соғломлиги – бу оиланинг ахиллиги, оиланинг  
мустаҳкамлигидир.

\* \* \*

Оила ҳақида гапирап эканмиз, авваламбор, оила  
ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийли-  
гини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни  
саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай  
инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган  
тарбия ўчғи эканини тан олишимиз даркор.

\* \* \*

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшай-  
ди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола  
зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар  
оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини анг-  
лайди, ҳис этади.

\* \* \*

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан санал-  
ган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада  
тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин,  
маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишта-  
лик ва барқарорлик ҳукм суради.

\* \* \*

Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оиласда шаклланган.

\* \* \*

Аёлни, онани асраш дегани – бу фарзандларни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир.

\* \* \*

Одамнинг қалбидагандай олийжаноб туйғулар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси, аввало онадандир.

\* \* \*

Аёл ва она – эзгулик тимсоли бўлиб, буюк мураббий ва комил инсон тарбиячисидир.

\* \* \*

Аёлларга етарли эътибор бермаган жамиятнинг келажаги бўлмайди.

\* \* \*

Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳалладан олади.

\* \* \*

Маҳалла – ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонасидир.

\* \* \*

Маҳалла – инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макондир.

\* \* \*

Маҳалла – дунёда ўхшали бўлмаган ноёб ва бетакрор ижтимоий бошқарув идораси.

\* \* \*

Оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак,  
давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан,  
ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.

\* \* \*

Обод маҳалла, обод юрт обод кўнгилдан бошланади.

\* \* \*

Халқимизнинг ўзи асрлар давомида ижод қилган  
том маънодаги демократик идора тариқасида юртимиз-  
да тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар  
ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, айниқса, ёш авлод-  
ни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда маҳалла  
тизимининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

\* \* \*

Соғлом фарзанд фақат соғлом оилада туғилади.

\* \* \*

Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз  
Ўзбекистоннинг буюк келажагини назарда тутамиз.

\* \* \*

Болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка ин-  
тилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг ма-  
даний савиасини ошириш – биз учун устувор вазифа.

\* \* \*

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар  
тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, мил-  
латидан қатъи назар, одамларга хайриҳоҳлик билан му-  
носабатда бўлиш, ўзғалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва  
ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатлар-  
нинг меъёри ҳисобланади.

\* \* \*

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровон-  
лиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-

урұғлари ва яқин одамларининг, құшниларининг омон-эсонлиги түғрисида ғамхұрлық қилишни бириңчи ўринга құяды. Бу эса әнг олий даражада маңнавий қадрият, инсон қалбининг гавхаридир.

\* \* \*

Бизда азалдан ота-онаға ҳұрмат, әхтиром күрсатиш қарор топған. Ҳар бир фарзанд үз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойик кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат.

\* \* \*

Халқимизда доно бир накл бор: «Ота рози – худо рози, она рози – пайғамбар рози». Бизни дунёга келтирған азиз инсонларни қанчалик улуғласақ, бу ҳам яратғанимиз-нинг назарига тушади ва, шубҳасиз, фарзандларимиз-нинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

*И.А. КАРИМОВ*

\* \* \*

Тарбияни туғилған кундан бошламок, вужудимизни қувватлантиrmоқ, ахлоқимизни кучлантиrmоқ, зеҳнимизни равшанлантиrmоқ лозим.

\* \* \*

Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё најот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир.

\* \* \*

Болаларини баҳтли қилиш учун елиб-югуриб юрган меҳрибон она күпинча ўзининг тор дунёқараши, тафак-курининг ожизлиги ва ортиқча ғамхұрлыклари билан болаларининг құл-оёгини боғлаб ташлайди.

*А. АВЛОНІЙ*

\* \* \*

Болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни уларга доим тўғри ва рост маълумотлар беринг ва хотираларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўйманг.

*ФИТРАТ*

\* \* \*

Эй, ота бўлувчи, ўғил-қизни тергаб тарбиялагин, токи кейин сенга қулгувчилар бўлмасин.

\* \* \*

Ота болани кичикилиғидан бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.

\* \* \*

Болани билимли қилмокчи бўлинса, унга ёшлигиданоқ билим ўргатиб бориш керак.

\* \* \*

Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингизни узверинг.

*Юсуф Ҳос ҲОЖИБ*

\* \* \*

Ота-онанинг болага ҳақиқий муҳаббати – ақлу идрокка асосланган ғамхўрлик билан, тўғри йўлга қўйилган тарбия билан ўлчанади.

*Қори НИЁЗИЙ*

\* \* \*

Оилавий баҳтда ҳикмат кўп. Баҳтиёр оила энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоги, демак ёшларимизнинг толеъи, эртанги саодатли кишилар жамиятимизнинг пойдеворидир.

\* \* \*

Ота-онаси эрка ўстирган бола кўпинча худбин бўлади.

*Абдулла ҚАҲХОР*

\* \* \*

Фарзандларингизни моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин, лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин.

*Озод ШАРАФУТДИНОВ*

\* \* \*

Биз заиф ҳолда дунёга келамиз – бизга куч керак; биз ёрдамга муҳтож бўлиб қўз очамиз – бизга ёрдам зарур; биз мурғак онг билан туғиламиз – бизга ақл-заковат даркор. Тугилганимизда нимагаки муҳтож бўлсак ва вояга етгач уларсиз яшшимиз мумкин бўлмаса, уларнинг барисини бизга тарбия беради.

*Ж.РУССО*

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Фарзандларимиз биздан кучли, билимли, доно ва, албатта, баҳтили бўлишлари шарт! «Халқ сўзи» газетаси. 1998. 2 декабрь Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: «Ўзбекистон». 1999. 181-бет.
2. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. «Ўзбекистон». 448-бет.
3. *Сайдов А.* Мустакиллик қомуси. –Т.: «Ўзбекистон» 1993 31-бет.
4. *Сайдов А.* Қиёсий конституцияшунослик. –Т.: 1993. 76-бет.
5. *Сайдов А., Тоҷиҳонов У., Тошқулов Ж.* Мустакиллик ва ҳукукий мафқура. –Т.: «Ўзбекистон». 1995. 120-бет.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Кириш .....	4
Ёшлар хукукий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари .....	9
Ёшларда хукукий маданиятни шакллантириш .....	23
Хукукий маданиятни шакллантиришда оиласнинг ўрни .....	29
Эрга турмуш куришнинг оқибатлари ва унинг олдини олишда	
оила ҳамда маҳалланинг ўрни .....	41
Ёшларда хукукий маданиятни юксалтириш .....	47
Хулоса .....	55
Бола тарбиясида оила ва ота-она масъулияти ҳақида	
қимматли фикрлар .....	57
Фойдаланилган адабиётлар .....	63

---

*Илмий-оммабоп нашр*

Раъно ТУРДИБОЕВА

**ЁШЛАРНИНГ  
ХУКУКИЙ МАДАНИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**2400**

Мухаррир Э. Курбонов

Бадиий мухаррир Д. Муллахонов

Техник мухаррир Л. Хижсова

Кичик мухаррир Д. Холматова

Мусахих С. Салоҳутдинова

Компьютерда тайёрловчи Д. Габдрахманова

Наширёт лицензияси АI № 158.14.08.09.

Босиша 2014 йил 8 январда руҳсат этилди. Офсет қозози. Бичими 84x108 ¼. «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 3,36. Нашр табоги 3,23. Адади 1000 нусха.

Буюртма № 13-294.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигининг «O'zbekiston»  
наширёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20 Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [iptduzbekistan@mail.ru](mailto:iptduzbekistan@mail.ru) [www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



### Турдибоева Раъно Эшовна

1970 йил Самарқанд вилоятида туғилган. 1996 йилдан бўён Тошкент Давлат аграр университетида "Хукуқ-шунгослик" фанидан даре бериш билан бир қаторда, 2007 йилдан ТошДАУ қошидаги академик лицей директори лавозимида ишлаб келмоқда. Юридик фанлари номзоди. Шу кунга қадар 100 дан ортиқ илмий ва услубий ишлар, мақолалари чоп этилган.

ISBN 978-9943-01-969-0

9 789943 019690

«O'ZBEKISTON»